БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 279 (12.028)

Жума, 1 декабрь 1961 йил

Баҳоси 3 тийин

Биз, совет кишилари учун КПСС Программаси — ҳаёт программаси, халқ бахт-саодати учун кураш программасидир. Бизнинг партиямиз ўзининг XXII съездида экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг шундай суръатларини белгиладики, бундан киши завқланиб кетади.

Энди, ўртоқлар, ишга, мен айтмоқчиманки, партия тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилишга киришайлик.

Ҳар бир совет киши ўз бурчини чуқур англаган ҳолда ўз кучи, ғайрати, ақл-идроки, истеъдоди, қалбининг бутун жўшқин ҳароратини коммунизм қурилишига сарфлайдиган бўлиши учун у ўзининг сафдаги ўрнини билиб олиши биз учун муҳимдир.

(Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг 1961 йил 26 ноябрда Новосибирскда сўзлаган нутқидан).

КОММУНИЗМ ТАНТАНАСИ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШ—ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ БУРЧИ

Сибирь қишлоқ хўжалик ходимларининг Новосибирск шаҳридаги кенгашида 1961 йил 26 ноябрда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Қадрдон сибирлик ўртоқлар!

Биз сизлар билан тез-тез учрашиб турамиз. Кейинги йилларда мен Сибирда, унинг Омск, Новосибирск, Барнаул, Иркутск, Братск, Чита шаҳарларида, Барабин ва Кулунда даштларида бир неча бор бўлдим, колхоз ва совхозларнинг турмуши билан танишдим. Буларнинг ҳаммаси менга ўзимни маълум бир даражада сибирлик деб ҳисоблашга, сизлар билан Сибирнинг таг-жойлик кишиси қатори гаплашишга асос беради. **(Қарсаклар).**

Сизларни — Сибирь қишлоғининг меҳнаткашларини партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан табриклайман ва меҳнатингизда янги зўр муваффақиятлар тилайман. **(Давомли қарсаклар).**

Сизларнинг ҳузурингизга келаётганда киши ўзини худди уйига бораётгандек сезади ва ўзини чинакам сибирликлар сингари бардам ҳис қилади.

Сўнгги марта шу йилнинг кўкламида мана шу Новосибирскда учрашган эдик. Ана шу бир неча ой ичида мамлакатда кўпгина воқеалар содир бўлдики, бу воқеалар Совет Иттифоқи халқлари учунгина эмас, балки кишилигининг бутун тарихи учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди энг буюк воқеадир. Съезд партиянинг янги Программасини қабул қилди, бу Программага ҳаммамиз якдиллик билан коммунизм қурилиши программаси деб ном бердик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ленинниг иборси билан айтганда: Бизнинг Программамиз — ҳаракат программаси, совет тузуми идеалларининг амалда рўёбга чиқарилишидир. **(Қарсаклар).**

КПССнинг янги Программаси тўғрисида чин кўнгилдан кўпгина самимий сўзлар айтилди. Биз бундай сўзларни кардош коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарларидан, капиталистик мамлакатларнинг ишчи ва деҳқонларидан, прогрессив интеллигенциясидан эшитдик.

Улар КПСС Программаси — жаҳон меҳнаткашларининг социализмга борувчи йўлини, коммунизмга борувчи йўлини нурафшон қилиб турган машъалдир, дедилар. **(Қарсаклар).**

Биз, совет кишилари учун КПСС Программаси — ҳаёт программаси, халқ бахт-саодати учун кураш программасидир. Бизнинг партиямиз ўзининг XXII съездида экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг шундай суръатларини белгиладики, бундан киши завқланиб кетади. Мен рақамларни айтиб ўтирмайман. Металл, ёқилғи, электр қуввати, машиналар, химия маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан, дон, пўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш жиҳатидан ўйлаймиз ва ўйлаймиз кейин қандай даражага етишимиз КПСС Программасида баён қилиб берилган.

Энди, ўртоқлар, ишга, мен айтмоқчиманки, партия тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилишга киришайлик. **(Қарсаклар).**

Ҳар бир совет киши ўз бурчини чуқур англаган ҳолда ўз кучи, ғайрати, ақл-идроки, истеъдоди, қалбининг бутун жўшқин ҳароратини коммунизм қурилишига сарфлайдиган бўлиши учун у ўзининг сафдаги ўрнини билиб олиши биз учун муҳимдир.

Пигирма йил — бу унчалик катта муддат эмас, бинобарин, ҳар бир кунни, ҳар бир соатни ғанимат билмоқ керак. Вақт сира тўхтамай олға юраверади ва биз муайян маррага етганда:

— Халқимиз, партиямиз ўзининг тарихий миссиясини бажарди, коммунизм қурди. — деб фахр билан айтишимиз керак. **(Давомли қарсаклар).**

Партия олдимизда турган йўлнинг бутун қийинлигини тушуниб, ишчиларни, колхозчиларни, интеллигенцияни кун сайин фидокорона меҳнат қилишга даъват этмоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида олға қараб бориш суръатини ошириш муҳимдир. Лекин бу суръат социалистик қишлоқ хўжалигида, қурилишимизнинг инсон учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб бераётган участкасида айниқса муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш вазифасини ҳал қилишга Совет Иттифоқининг барча районлари ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Сиз, сибирликлар ниҳоятда катта ҳисса қўшмоғингиз лозим. Сибирь — Ватанимизнинг бой ва бепоён ўлкасидир. Унинг бойликларини сизлар биринчи галда халққа хизмат қилдирмоғингиз керак. Сибирь колхоз ва совхозлари коммунизм қуришдан иборат умумхалқ курашига қандай ҳисса қўшмоқлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Сибирь 3,5 миллиард пуд дон етиштирмоғи ва давлатга 2 миллиард пудга етказиб дон сотмоғи; 3 миллион 600 минг тонна пўшт етиштирмоғи ва 3 миллион тонна гўшт сотмоғи; 20 миллион тонна сут етиштирмоғи ва ўн олти миллион тоннадан нўпоқ сут сотмоғи; 137 минг тонна жун етиштирмоғи ва сотмоғи керак. Бу вазифалар устида ҳар қанча ишласа, ақлини ҳар қанча ишлатса арзийди! **(Қарсаклар).**

Сизлар коммунистик қурилишдаги ўз марраларингизни эгаллаб олмоғингиз учун ғайрат билан меҳнат қилмоғингиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш резервларидан кенг кўламда фойдаланмоғингиз керак.

Ердан тўғри фойдаланиш, экин майдонлари структурасини энг кўп миқдорда дон, энг кўп миқдорда ем-хашак, демак, энг кўп миқдорда пўшт ва сут бера оладиган қилиб белгилаш — энг асосий резервлардан биридир. Шу сабабдан деҳқончилик системаси ҳақидаги масала ҳозир қишлоқ хўжалик ходимлари учунгина эмас, балки бутун совет халқи учун ҳам жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Биз сизлар билан тез-тез учрашиб турамиз. Кейинги йилларда мен Сибирда, унинг Омск, Новосибирск, Барнаул, Иркутск, Братск, Чита шаҳарларида, Барабин ва Кулунда даштларида бир неча бор бўлдим, колхоз ва совхозларнинг турмуши билан танишдим. Буларнинг ҳаммаси менга ўзимни маълум бир даражада сибирлик деб ҳисоблашга, сизлар билан Сибирнинг таг-жойлик кишиси қатори гаплашишга асос беради. **(Қарсаклар).**

Сизларни — Сибирь қишлоғининг меҳнаткашларини партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан табриклайман ва меҳнатингизда янги зўр муваффақиятлар тилайман. **(Давомли қарсаклар).**

Сизларнинг ҳузурингизга келаётганда киши ўзини худди уйига бораётгандек сезади ва ўзини чинакам сибирликлар сингари бардам ҳис қилади.

Сўнгги марта шу йилнинг кўкламида мана шу Новосибирскда учрашган эдик. Ана шу бир неча ой ичида мамлакатда кўпгина воқеалар содир бўлдики, бу воқеалар Совет Иттифоқи халқлари учунгина эмас, балки кишилигининг бутун тарихи учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди энг буюк воқеадир. Съезд партиянинг янги Программасини қабул қилди, бу Программага ҳаммамиз якдиллик билан коммунизм қурилиши программаси деб ном бердик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ленинниг иборси билан айтганда: Бизнинг Программамиз — ҳаракат программаси, совет тузуми идеалларининг амалда рўёбга чиқарилишидир. **(Қарсаклар).**

КПССнинг янги Программаси тўғрисида чин кўнгилдан кўпгина самимий сўзлар айтилди. Биз бундай сўзларни кардош коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарларидан, капиталистик мамлакатларнинг ишчи ва деҳқонларидан, прогрессив интеллигенциясидан эшитдик.

Улар КПСС Программаси — жаҳон меҳнаткашларининг социализмга борувчи йўлини, коммунизмга борувчи йўлини нурафшон қилиб турган машъалдир, дедилар. **(Қарсаклар).**

Биз, совет кишилари учун КПСС Программаси — ҳаёт программаси, халқ бахт-саодати учун кураш программасидир. Бизнинг партиямиз ўзининг XXII съездида экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг шундай суръатларини белгиладики, бундан киши завқланиб кетади. Мен рақамларни айтиб ўтирмайман. Металл, ёқилғи, электр қуввати, машиналар, химия маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан, дон, пўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш жиҳатидан ўйлаймиз ва ўйлаймиз кейин қандай даражага етишимиз КПСС Программасида баён қилиб берилган.

Энди, ўртоқлар, ишга, мен айтмоқчиманки, партия тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилишга киришайлик. **(Қарсаклар).**

Ҳар бир совет киши ўз бурчини чуқур англаган ҳолда ўз кучи, ғайрати, ақл-идроки, истеъдоди, қалбининг бутун жўшқин ҳароратини коммунизм қурилишига сарфлайдиган бўлиши учун у ўзининг сафдаги ўрнини билиб олиши биз учун муҳимдир.

Пигирма йил — бу унчалик катта муддат эмас, бинобарин, ҳар бир кунни, ҳар бир соатни ғанимат билмоқ керак. Вақт сира тўхтамай олға юраверади ва биз муайян маррага етганда:

— Халқимиз, партиямиз ўзининг тарихий миссиясини бажарди, коммунизм қурди. — деб фахр билан айтишимиз керак. **(Давомли қарсаклар).**

Партия олдимизда турган йўлнинг бутун қийинлигини тушуниб, ишчиларни, колхозчиларни, интеллигенцияни кун сайин фидокорона меҳнат қилишга даъват этмоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида олға қараб бориш суръатини ошириш муҳимдир. Лекин бу суръат социалистик қишлоқ хўжалигида, қурилишимизнинг инсон учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб бераётган участкасида айниқса муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш вазифасини ҳал қилишга Совет Иттифоқининг барча районлари ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Сиз, сибирликлар ниҳоятда катта ҳисса қўшмоғингиз лозим. Сибирь — Ватанимизнинг бой ва бепоён ўлкасидир. Унинг бойликларини сизлар биринчи галда халққа хизмат қилдирмоғингиз керак. Сибирь колхоз ва совхозлари коммунизм қуришдан иборат умумхалқ курашига қандай ҳисса қўшмоқлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Сибирь 3,5 миллиард пуд дон етиштирмоғи ва давлатга 2 миллиард пудга етказиб дон сотмоғи; 3 миллион 600 минг тонна пўшт етиштирмоғи ва 3 миллион тонна гўшт сотмоғи; 20 миллион тонна сут етиштирмоғи ва ўн олти миллион тоннадан нўпоқ сут сотмоғи; 137 минг тонна жун етиштирмоғи ва сотмоғи керак. Бу вазифалар устида ҳар қанча ишласа, ақлини ҳар қанча ишлатса арзийди! **(Қарсаклар).**

Сизлар коммунистик қурилишдаги ўз марраларингизни эгаллаб олмоғингиз учун ғайрат билан меҳнат қилмоғингиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тез кўпайтириш резервларидан кенг кўламда фойдаланмоғингиз керак.

Ердан тўғри фойдаланиш, экин майдонлари структурасини энг кўп миқдорда дон, энг кўп миқдорда ем-хашак, демак, энг кўп миқдорда пўшт ва сут бера оладиган қилиб белгилаш — энг асосий резервлардан биридир. Шу сабабдан деҳқончилик системаси ҳақидаги масала ҳозир қишлоқ хўжалик ходимлари учунгина эмас, балки бутун совет халқи учун ҳам жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Яна бир фактни кўринг. Машҳур олим Дояренко хўжаликларни монокультура негизида ихтисослаштириш ғоясини илгари сурган эди. 1929 йилда у бундай деб ёзган эди:

«Ҳозирги вақтда у ёки бу мулоҳазалар таъсири остида бизнинг олдимизда ихтисослашган товар хўжалигини вужудга келтириш масаласи турибди ва, фикримни олдиндан айтиб қўя қолсам, бизнинг олдимизда монокультураннинг шундай даражасига етиш вазифаси турибдики, унда биз энг кўпроқ майдонга муайян бир экинни экиб, бунинг натижасида ҳосилдан энг кам ютқазган бўламиз».

Кўриб турибсизки, Дояренко монокультура натижасида ҳосил барибир, бир қадар камаяди, деган фикрни айтган эди. Айни вақтда у фанда ва техникада катта тараққиёт бўлишини ҳали кўрмаган эди. Эндиликда Совет Иттифоқидаги илғор колхоз ва совхозларнинг, АҚШдаги фермер хўжаликларининг тажрибасида масалан, шу нарса исбот қилиндики, агротехника тегишли даражада бўлса ва далаларга ўғит солиб турилса, маккажўхори кетидан маккажўхори экиш ҳосилнинг камайишига сабаб бўлмайди. Камайиш бир ёқда турсин, монокультура шароитида ҳосил ошиши мумкин.

Дояренконинг гапига Вильямснинг жавоби бундай бўлди:

«Жуда ошкора ва таҳқировчи сурбетлик билан айтилган ана шу тезис замирида социалистик хўжаликни, хусусан эндигина ташкил бўлган дончилик совхозларимизни алмашлаб экишни инкор этиш йўлига, монокультура йўлига итаришдек ғаразли душман мутлақо равшан кўриниб турадн».

Мунозаралар шундай метод билан олиб борилгандан кейин деҳқончиликнинг ўт-далали системасидан бўлак бошқа ҳар қандай системасини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш амримаҳол эди.

Ўт-далали система ҳамма жойда ва бир қолипда жорий қилинганлиги мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказди. Миллион-миллион гектарлаб энг унумдор ерлар кам маҳсул ўтлар билан банд қилиб қўйилди. Ҳар бир зонада энг кўп ҳосил берадиган дон экинлари майдони камайтирилиб, бу экинлар ўрнига алмашлаб экишга ўтлар киритилди. Кўп йиллик ўтлар шундай районларда етиштирилдики, улар бу районларда гектар бошига 5-6 центнердангина хашак берди. Аслини олганда ерлар бўш ётди.

Натижада дон етиштириш даражаси бирдек қолаверди ва ҳатто камайиб кетди. Чорвачиликнинг озуқа базасига путур етказилди, чунки, ҳар гектарга ва сарфланган меҳнатга айлантириб ҳисобланганда энг кам миқдорда озуқа етиштириши берадиган экинлар экиб келинди.

Тюмень областидаги «Песьяновский» совхозининг зоотехниги ўртоқ А. С. Любина бу ерда ҳозиргина нутқ сўзлади. У сигирларни йил бўйи силос бериб боқишнинг натижалари ҳақида жуда яхши гапирib берди. Ўт-далали алмашлаб экиш системаси мавжуд бўлган даврда молларга ёлчитиб озуқа берилмас эди, маккажўхори ва бошқа қимматли экинларни экишга ўтилгандан кейин чорвачилик ем-хашак билан тўлиқ таъминланмоқда. Қишлоқ хўжалик практикаси менга яхши маълум. Аслини олганда илгари сигирлар бир амаллаб қишдан чиқиб олсин деган мақсад билангина молхонага боғлаб қўйилар эди. Шу сабабли сигирларнинг сути кескин камайиб кетар эди, кўкламда сигирлар яйловга силласи қуриб чиқарди. Деҳқонлар сигир май ойининг охирида — июнь ойининг бошларида, яъни ўт ўсиб чиқиши билан сутга киради, дер эдилар.

Хўжаликда маккажўхоридан юқори ҳосил олинишини таъминлаётган тажрибали раҳбар учун бундай замонлар энди абадий ўтиб кетди. Тажрибали раҳбар чорва молларни йил бўйи силос билан боқади ва бутун йил давомида мўл миқдорда сут олиб туради.

Партия Марказий Комитети 1954-1955 йилларда ва шундан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини чуқур анализ қилиш асосида, ўт-далали алмашлаб экишнинг самаралилигини ўрганиш асосида деҳқончиликнинг ўт-далали системаси камчиликларини чуқур ва принципиал танқид қилди, ўт-далали системани бир қолипда қўлланиш қандай оқибатларга олиб келишини қишлоқ хўжалиги ходимларига, бутун халққа кўрсатиб берди.

Академик В. Р. Вильямс — мамлакатимизнинг истеъдодли олимларидан бириднр. У тупроқшуносликка, тупроқнинг таркиб топиш процесси ҳақидаги назарияга кўпгина янгилик киритди. Бу жиҳатдан биз унинг хизматини муносиб даражада қадрлаймиз.

Вильямснинг деҳқончиликдаги ўт-далали системасига келганда, шуни айтиш керакки, бу система асл негизи билан яроқсиз бўлиб чиқди.

Вильямс кўп йиллик ўтларга тупроқ структурасини тиклашга, тупроқни донадор қилишга қодирдир, деган фикрга асосланди. У кўп йиллик ўтларгина ўзидан кейин экиладиган баҳорикор экинларнинг ҳосилини оширишга ёрдам берадиган энг қимматли экин бўла олади, деб ҳисоблади.

У аслида кўп йиллик ўтларга сиғинди, кўпинча бу ўтларнинг таъсири ҳақида уларни ўғит ва агротехниканинг аҳамиятидан ажратган ҳолда муҳокама юритди.

Вильямс ўз назариясига ва ўт экилган ерларни бузишнинг шу назариядан келиб чиқадиган муддатларига асосланиб, ҳақиқатда кузги экинларни инкор этишгача борди. У бундай деб ёзди:

«Бевосита кўп йиллик ўтларнинг кетидан экин экиладиган дала ўт-далали алмашлаб экишда энг яхши дала бўлади. Шудгорлаш системасидан қолган эски одатга амал қилиб, шу чоққача бу далага кўпинча кузги дон экиб келадилар. Ўт экилган далани бузиб, ўрнига бевосита кузги экинлар экиш — жуда катта хатодир».

Вильямс ўз мантиқига амал қилиб, сўнгра давом этади: «Ўтнинг кетидан экилган кузги экин алмашлаб экишда энг яхши далани эгаллаганлигига қарамай, ҳамиша кам ҳосил беради».

У қўйидаги узил-кесил хулосага келади: «Ўт экилган далани бузиб ҳайдагандан кейин албатта баҳори экин экиш ва зинҳор кузги экин экмаслик керак».

Бу нарса амалда нималарга олиб келганини кўпларингиз биласиз. Масалан, Украинани олиб кўринг. Республикада энг қимматли ва энг серҳосил дон экини — кузги буғдойдир. Кузги буғдой гектар бошига 30 центнер ва ундан ҳам ортиқ ҳосил беради. Шунга қарамай, деҳқончиликнинг ўт-далали системаси қонунларига кўра кузги буғдой далаларга яқинлаштирилмаслиги, Украина ва Шимолий Кавказ шароитида иккинчи баравар кам ҳосил беради-ган баҳори буғдойга ўрнини бўшатиб бериши керак эди.

Шу муносабат билан Украинада баҳори буғдой экишни жорий қилишга бевосита алоқадор бўлган бир воқеани сизларга эслатиб ўтмоқчиман. 1947 йил февраль ойида партия Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум оғир вазиятда тўпланди. Урушнинг оғир оқибатлари ва 1946 йилдаги қаттиқ қурғоқчилик қишлоқ хўжалигига яйинқса Украинада мисли кўрилмаган даражада катта зарар етказган эди. Республика ўша йили қаҳатчилик юз берган 1921 йилдагидан ҳам кам ҳосил олган эди. Тўғри шуни айтиш керакки, 1946 йилдан кейин ҳам Украинада шундай йиллар бўлдики, ёғингарчилик кам бўлди, лекин 1946 йилдаги ҳосилсизлик такрорланмади. Гап шундаки, 1946 йил — урушдан кейинги дастлабки йил бўлиб, ерлар сигир қўшиб ҳайдалган ва хатто қўлда ишланган, кўпинча одамлар ерни белкуракда чопган ва хатто плугни ўзлари тортган эдилар. Биз бунга икрор бўлишдан қўрқмаймиз. Халқ ҳамма кучини душманни тор-мор келтиришга сарфлаб, тарихий галаба қозонган эди. **(Қарсаклар)** Қишлоқда на машина, на ёқилғи бор эди, лекин одамлар, жарохатлар тезда битиб кетишини тушунар эдилар.

Марказий Комитетнинг февраль Пленумида Курган область Шадрин районидаги «Завети Ленина» колхозининг дала мудири Т. С. Мальцев сўзга чиқди. У Зауральеда баҳори буғдойдан мўл ҳосил олинаётганлигини гапирди. Галимни тўғри тушунишингизни сўрайман, Терентий Семенович, сиз ажойиб нутқ сўзладингиз, Урал, Сибирнинг мўл ҳосил олишдаги жуда катта имкониятларини ўз мисолингизда кўрсатиб бердингиз. Сизни тилга олаётган бўлсам, бундан мақсад —таъна қилиш эмас, балки ўз фикрларимни конкрет мисолда кўрсатиб беришдир.

Мальцев баҳори буғдойдан мўл ҳосил олинаётганлиги ҳақида гап бошлаганда, менинг хаёлимга дарров Сталин бу экинни Украннага ҳам мажбуран қабул қилдирадику, деган фикр келди. Гап шундаки, бу масала устида у билан урушдан аввал ҳам гаплашган эдик. Ушанда мен Украинада баҳори буғдой экиши бўлмайди, деган эдим. Баҳори буғдой у ерда мўл ҳосил бермайди. Буни қанчалик кўп эксак, галлани шунчалик кам оламиз, деган эдим. Уша вақтда у менинг гапимга қўшилган эди. 1946 йил эса, ҳосил битмаган йил бўлиб, мамлакатда галла йўқ эди, бунинг устига Мальцев сўзга чиқиб, баҳори буғдойни мақтаяпти. Менда, Сталин Украина билан Зауралье — ҳар хил зона эканлигини ва бу зоналарнинг шароити мутлақо турлича эканлигини суриштириб ўтирмай, мени ноҳаққа. Мальцевни эса ҳақ қа чиқаради ва Украинада ҳам баҳори буғдой экинглар, деб айтади, деган хавотирлик туғилди.

Худди шундай бўлиб чиқди. Пленум мажлиси тамом бўлди. Танаффус вақтида биз Сиёсий Бюро аъзолари тўпланадиган хонага кирдик. Сталин дарров мендан:

— Сиз кузги буғдой тарафдорисиз? — деб сўради.

— Ҳа, кузги буғдой тарафдориман, — деб жавоб бердим.

— Мальцевнинг гапини эшитдингизми?

— Ҳа, эшитдим, лекин у Украина, Шимолий Кавказ ҳақида эмас, Урал, Сибир ҳақида гапирди.

Сталин менинг фикримга қўшилмади ва: сизларнинг ерингиз қора тупроқ-ку, — деди.

— Ҳа, ерларимиз қора тупроқ,— деб жавоб бердим.— Аммо, баҳори буғдой Украина шароитида ҳосил бермайди, дедим.

Шунга қарамай, Сталин: Украина баҳори буғдой етиштиришда жиддий орқада қолмоқда ва ана шу экин экиладиган майдонлар кенгайтирилишини таъминлаш таклиф қилинсин, деб Пленум ҳарорига ёзиб қўйилсин, деди.

Шу гаплар Марказий Комитетнинг 1947 йилдаги февраль Пленуми қарорига ёзиб қўйилди ҳам.

Баҳори буғдой экишни жорий қилиш Украина қишлоқ хўжалигини хонавайрон қилиши мумкин эди. Республика баҳори буғдой эка бошлади. Газета, журналлар колхоз ва совхозлар баҳори буғдой экиш планини оширib бажармоқдалар, деган хабарларга тўлиб кетди. Ваҳоланки, Украинадаги машҳур колхознинг раиси М. А. Посмитний кейинчалик менга:

— Баҳори буғдой экдим, деб сводкани бериб қўйиб, кузги буғдой экканман, — деди. **(Кулги, қарсаклар).**

Вақт ўта берди. Украина 1948 йилда ҳосилни эпақага келтириб олди. Баҳорикор буғдой ҳисобига эмас, албатта. Колхоз ва совхозлар кузги буғдойни аввалгидек меҳр қўйиб етиштира бердилар.

Мен Сталинга Украинада баҳори буғдой экиш бундан кейин ҳам давом эттирила берса, у ҳолда галла олиб бўлмайди, дедим. У ҳам бунн эътироф этишга ва Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорини қайта кўриб чиқишга розилик беришга мажбур бўлди, лекин қарор Марказий Комитетнинг қарор чиқариши йўли билан эмас, балки бошқа йўл билан қайта қараб чиқилсин, деди. Сталин олимлар ва практикларнинг кенгашини чақириб, бундан буён Украинада баҳори буғдой экиш қандай бўларкин, деган масалани муҳокама қилишга рухсат берди.

1948 йилда Украина КП Марказий Комитети олимлар билан практикларни тўплаб, қанақа буғдой экиш яхши— кузгими ёки баҳорими?— деган масалани уларнинг муҳокамасига қўйди. Кузги буғдой экиш кераклигини биз билар эдик, албатта, аммо бу ҳақда олимларнинг ўзи кўпчилик ўртасида очиқ айтишлари керак эди.

Бу жуда қизиқарли кенгаш бўлган эди. Совхоз директорлари, колхоз раислари, мутахассислар, олимлар, селекциячилардан 500 киши Киевга тўпланди. Мен кузги буғдойнинг тарафдори бўлганлигимни ҳамма биларинги туфайли сизлар мендан истиола қилмасликларингиз учун кенгашдан чиқиб кетаман, масалани менсиз ўзларинг ҳал қила бериглар, дейишимга тўғри келди. Чиқиб кетдим-у лекин кенгашдаги гапларга кабинетда қулоқ солиб ўтирдим, албатта. **(Кулги).**

Муҳокама бошланди. Ўртада қаттиқ тортишув бўлди. Практиклар айрим олимларга шундай қаттиқ ҳужум қилдиларки, олимлар нима дейишларини билмай қолдилар. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум ўртоқ Петр Егорович Кислица эсимда. У қурғоқчилик сабабларидан бири — Николаев областидаги «Завет Ильича» колхозига раҳбарлик қилар эди. Ўша пайтда бу колхозда ўн бир нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор эди.

Ўртоқ Кислица ниҳоятда обрўли одам бўлганлигидан у нима дер экан, деб ҳамма унинг оғзига қараб турди. Кислица тахминан бундай деди: бизга баҳори буғдой экишни таклиф қилганларида, колхозчилар топшириқни виждонан бажаришга ҳаракат қилдилар. Юқори ҳосил олиш учун ҳамма чорани кўрдик, лекин сира иш чиқмади, баҳори буғдой бизнинг шароитимизда битмаяпти. Шундан кейин бригада бошлиқлари правлениега келиб; ўртоқ Кислица, нима қилайлик, баҳори буғдой униб чиқиши учун уни яна қанақасига парвариш қилайлик, ёки қанд чой қилиб берайликми, деб сўрашади. **(Залда жонланиш).**

(Давоми иккинчи бетда).

В. Р. Вильямс ўт-далали деҳқончилик системасининг асоссизлиги

Ўртоқлар! Сўнгги йилларда партия деҳқончиликнинг ўт-далали системасини қўлланиш оқибатларини тугатиш соҳасида қишлоқ хўжалигидаги барча ходимларнинг актив қўллаб-қувватлаши билан катта иш қилди. Академик В. Р. Вильямс ишлаб чиққан ўт-далали система 1953 йилга қадар мамлакатимиз колхоз ва совхозларида зўр бериб жорий қилиниб келганлигини сизлар биласиз. Ўзи йирик олим бўлган Вильямс партиянинг ишончидан фойдаланиб, урушдан аввалги йилларда ўт-далали алмашлаб экиш ҳамма жойда кенг кўламда жорий этилишига ниҳоятда катъият билан ҳаракат қилиб келди. Унинг шу масалаларга баъзи бир фикрларини сизларга эслатиб ўтишга рухсат бергайсиз.

«... Биз СССРдаги барча областларнинг ҳамма жойида,— деб ёзди Вильямс, — ёппасига ўт-далали алмашлаб экишнинг тарафдоримиз, деҳқончиликни янада қайта қуришнинг асосий аҳамияти мана шундадир».

Шундан сал кейинроқ у қуйидаги қатъий талабни қўяди:

«Ҳайдаладиган ерларга қўшиладиган ҳамма янги майдонлар, бизнинг фикримизча, кўп йиллик ўтлар экишни кенгайтиришга ажратилмоғи керак, кўп йиллик ўтлар эса, мамлакатнинг барча районларида ўт-далали алмашлаб экишни тўғри белгилаш учун зарурдир».

Вильямс фақат ўтларга ихлос қўйган эди. Миллион-миллион гектар қўриқ ерларни очган совхоз ва колхозлар ана шу ерларнинг жуда катта қисмига ўт экиш бўлганларида, бундай таълимот бизни қаёққа олиб бориб қўйиши мумкинлигини бир лаҳза тасаввур қилиб кўринг-а. Дон сўраб капиталист амаки олдига боришга тўғри келар эди. Бу амакининг кимлиги эса бизга маълум. У капиталист бўлиб менга олтин беринг, дон эвазига халқнинг пулини бўққа чўзиб қўйинг, дейдиган киши. У оладиган бўлсанг чўзиб қўй, деган қонундан бошқасини тан олмайди. Бахтимизга бундай ҳол юз бермади, чунки партия қўриқ ерларни ўзлаштириш масаласини донишмандлик ва заковатлик билан ҳал қилди, колхоз ва совхозлар янги ерларда миллиард миллиард пуд дон етиштирдилар. (**Қарсаклар**).

Вильямснинг айтган гапларини келтираётганлигимдан мақсад — у ўт-далали алмашлаб экишни ҳамма жойда ёппасига жорий қилиш тарафдори бўлганлигини таъкидламоқчиман. Буни назарда тутмоқ муҳимдир, чунки унинг шогирдлари бизнинг устозимиз ўз системасини хеч қачон бутун мамлакатга ёймаган эди, деб даъво қилишга уринмоқдалар.

Бир вақтлар Вильямснинг таклифлари Қишлоқ хўжалик министрлигида ва хусусан Госпланда қувватланиб, алмашлаб экишни ишлаб чиқишга асос қилиб олинди. Мамлакатда ўт-далали алмашлаб экиш системасини ҳамма жойда жорий қилиш йўлига ўтилди, шу билан бирга кўпгина областларда ўтлар салмоғи 25-30 процентга етди ва ҳатто бундан ошиб кетди. Вильямс, келиб чиқадиган оқибатлардан қатъи назар, тупроқ структураси ва унумдорлигини тиклашнинг бирдан-бир йўли—ўтлардир, деб билди.

Шуни айтиш керакки, Вильямснинг кўпгина мухолифлари бор эди, улар назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам ўт-далали системага шубҳа билан қараган эдилар.

Вильямснинг мухолифлари орасида энг йирик совет олимлари бор эди. Бу олимлар қишлоқ хўжалик фанимизнинг ривожланиши учун кўп ишларни қилган кишилар бўлиб, уларнинг тадқиқотларига СССРдагина эмас, балки чет эллларда ҳам эътибор қилинган.

Академик Д. Н. Прянишников деҳқончиликнинг ўт-далали системасига қарши эди. У Вильямснинг хато қоидаларини дадил ва менинг назаримда мардона танқид қилди, ўт-далали система дон етиштиришни ва чорвачилик учун озуқа етиштиришни кўпайтиришга халақит бериши мумкинлигини исботлаб берди.

Д. Н. Прянишников ўт-далали системага қандай муносабатда бўлганлигини бугун эслатиб ўтиш фойдали бўлади.

«... Баъзи бир кишилар, — деб ёзди у ўз асарларидан бирида, — ўт-далали системани ҳамма иллатларнинг давоси. «ҳамма замонлар ва ҳамма халқлар учун тенги йўқ» система деб билиш билан, аҳолиси сийрак жойлашган районлар, шунингдек аҳолиси тиғиз жойлашган районлар учун, чунончи Заволжье ва Қозоғистоннинг чорвачилик хўжаликлари учун ҳам ва шимолий Украинанинг қанд лавлаги экадиган хўжаликлари учун ҳам ҳамма жойда бир хилда яроқли битта система бўлиши мумкин эмаслигини унутиб қўймоқдалар... Умумдавлат манфаатларига мувофиқ равишда ва жойларнинг табиий-тарихий ва хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда, турли системаларни ва улар билан боғлиқ бўлган алмашлаб экиш схемаларини географик жиҳатдан жойлаштиришни ғапириш ҳамда ҳаммабоп аҳамиятга эга бўлган аллақандай «фалсафа тошн» ҳақидаги, қишлоқ хўжалигини замондан ва макондан ажратган ҳолда ислоҳ қилишнинг аллақандай йўллари ҳақидаги хаёлдан воз кечиш керак».

Д. Н. Прянишников ўт-далали система тарафдорларини ва уларнинг ўт-далали система гўё Ғарбдаги деҳқончиликнинг характерли хусусиятидир, деб тасвирлашга уринишларини фош қилади.

«Ўт-далали системанинг ялпи аҳамиятини жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган кишилар, — деб ёзади Прянишников, — Ғарбий Европада ўт-далали система ҳукмрондир, деб даъво қилиш билан принципиал нотўғри нўқсатма беришдан ташқари, ҳақиқатни жуда бузиб кўрсатадилар, ваҳоланки, Ғарбий Европада йўнғичқадан бир йил фойдаланиш устун туриши билан насл алмашиниш ҳукмрондир...

Ўт-далали система эса Ғарбда фақат онда-сонда, чунончи Швейцарияларнинг нуқул чорвачиликдан иборат хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларида кўпроқ учрайди.

Бироқ, Швейцарияда ўт-далали система ҳукмронлигининг жиддий оқибати шу бўлмоқдаки, бу мамлакат етиштирган галла атиги тўрт ойга етади, холос».

Академик Д. Н. Прянишников қуйидаги хулосага келади:

«Шундай қилиб, гўё Ғарбда ўт-далали система ҳукмрондир, деб мисол қилиб келтирилган гаплар асоссиз бўлиб чиқади. Ғарбда ҳосил ўт-далали системасиз гектар бошига (бутун мамлакатлар учун ўр

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масала ана шу тахлитда турар эди. У колхоз бўлса кузги буғдойнинг ҳар гектаридан ҳамиша 25 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олиб келар эди. Дарвоқе, бу йил ҳам колхоз 770 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28.5 центнер кузги буғдой ҳосили олди.

Киевдаги ўша кенгашда менинг яна бир эски танишим — колхоз раиси Степан Дмитриевич Танченко сўзга чиқди, у ҳозир ҳам Николаев областидаги Ленин номли колхозда ишламоқда. Бу — ажойиб раҳбар. Танченко бева онаси билан колхозга биринчи бўлиб кирганича шу чоққача бор кучини колхоз тузумини мустаҳкамлашга сарфлаб келмоқда.

Ана шу практик деҳқон мен Украинада баҳори буғдой экилишини ёқлаб чиққан айрим олимларнинг нотўғри позицияларини танқид қилишга мажбур бўлганимни эшитиб, бундай деди: «Фанни танқид қилганлиги учун Никита Сергеевичга раҳмат, биз ундан жуда миннатдормиз, энди кузги буғдойни бемалол эка берамиз. Бундойни кузда эксак, галламиз мўл бўлади». **(Кулги, қарсаклар).**

Кузги буғдой экишга бутунлай барҳам беришга қаратилган уринишларга колхоз раҳбарлари ана шундай жавоб бердилар.

Бояги П. Е. Кислицининг ўзи оталик тариқасида колхозга борган бир ҳурматли селекционичига қараб, бундай деди: «Менга қаранг, ахир ўзингиз колхозимизга бориб, кузги буғдой жуда яхши битганини кўрдингиз-ку. Нега энди бизда битмайдиган баҳори буғдой экишни тавсия қиляпсиз?». Ўша олим баҳори буғдой ўсмаганлигини ҳақиқатан ҳам кўрган, лекин ўт-дала система буғдойни фақат баҳорда экишни талаб қилар эди.

Ана ўшанда биз консерватив фандан қолиб чиқдик, серҳосил кузги буғдойни каттик туриб ҳимоя қилиб қолдик. **(Қарсаклар).**

Кузги буғдойга қарши чиқиш билан Вильямс нақадар ноҳақ бўлганлигини ҳозирги кундаги факт-лар кўрсатиб турибди. Бундай мисолни келтириб ўтаман. Киев область. Белая Церковь районидаги 9 Январь номли совхоз (директори Ўрток Перковский) 1961 йилда 584 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан кузги буғдой ҳосили олди.

Шу совхознинг биринчи бўлими кузги буғдойни бузилган бедапоя ўрнига экиб, гектар бошига 44.2 центнер; бешинчи бўлим эса 48.3 центнердан ҳосил олди.

Сизларнинг эътиборингизни шу нарсага яна бир марта қаратиб ўтаманки, Вильямс ўтпояни бузиб ҳайдагандан кейин ўрнига фақат баҳори буғдой экиш керак, кузги буғдой мўл ҳосил бермайди, деб даъво қилган эди. Ёз ерда аксинча бўлиб чиқди. Бузиб ҳайдалган ўтпоя ўрнига экилган кузги буғдой энг мўл ҳосил бермоқда. Демак, Вильямснинг назарияси асоссиз назариядир.

Сибирлик ўтоқлар, гапимни тўғри тушунасиз, деб ишонаман. Мен баҳори буғдойга қарши эмасман. Бу ерда айни баҳори буғдой кўп экиладиган экиндир. Сизларнинг шароитингизда баҳори буғдой энг қимматли экиндир ва ҳозирча энг қимматлигина эмас, балки бирдан-бир экиндир, чунки Сибирда кузги буғдойни совуқ уриб кетади. Кузги буғдой экиш ҳам яхши бўлар эди, албатта. Селекционичилар Сибирнинг совуқларига бардош берадиган навларни яратишга уриниб ўрдилар-у, лекин ҳозирча бу қийинчиликни бартараф қила олганлари йўқ.

Шуни айтиш керакки, академик Прянишников Вильямснинг ўтпоя-ларни бузиб ҳайдагандан кейин ўрнига кузги экин экиб бўлмайди деган даъвосини қатъиян рад этган эди. Прянишников қуйидаги сўзларни ёзганида ўт-далали систе-тема тарафдорларини назарда тутди: «...Кўп йиллик ўтлардан кейин умуман кузги экин экилмаслиги керак, деган асоссиз даъволардан улар ноз кечганлари йўқ, баҳоланки, бу нарса Гарбнинг икки юз йиллик тажрибасига ҳамда биздаги бир қанча тажриба станцияларининг, жумладан, Суми ва Носов станцияларининг маълумотларига зиддир».

Вильямс ўз системаси билан аслида ўтгичларнинг ва хусусан гўнгнинг ролини инкор қилганлиги унинг жиддий хатоси эди. Бу эса қишлоқ хўжалиги учун маълум даражада ёмон оқибатларга сабаб бўлди.

Ўтит тўғрисида Вильямснинг айтган гапларига бир қулоқ солинг:

«Ўт-далали система шароитида гумбоқнинг кучини тиклаш вазифаси ўтзор дала устига тушади. Шунинг учун гўнгга бўлган муносабати ҳам ўзгартириш керак. Органик модданинг манбаи бўлган гўнгнинг аҳамияти ўт-далали система шароитида жуда кейинги ўринга тушиб қолади... Ўт-далали системани жорий қилиш вақтида гўнг тайёрлаш усули ўзгартирилмоғи керак.

Ўт-далали система шароитида гўнг унга ҳаво тўла ва бемалол кирадиган (аэроб процесси) шароитида сақланмоғи керак».

Бу нарса амалда нимага олиб келди? Бу нарса органик ўғитларнинг аҳамиятига ва шу ўғитлардан энг қимматлиси бўлган гўнгнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаслигига, гўнгларни нотўғри усуллар билан сақланишига олиб келдики, натижада гўнгнинг ўғитлик аҳамияти талай даражада камайиб кетди, шунингдек минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмайдиган бўлиб қолди.

Бунинг оқибати шу бўлдики, дон етиштиришда орқада қолинди, дон экинларидан кам ҳосил олиб келинди.

Вильямснинг назариясидаги хато қоидалар шунга олиб келдики, у тупроқни ишлайдиган баъзи бир куролларни, жумладан боронани инкор этди.

«Шудгорни ишлаш системаси бажарилган тақдирда, — деб ёзди Вильямс — ерни экишдан авval ишлаш системаси ҳеч қачон дискли культиваторлар билан ҳам, тишли бороналар билан ҳам бажарилмайди»

Сўнгра ёзади:

«Қўкламда шудгор ёғоч волокуша билан ёки, агар балчиқланиш кучли бўлса, мих тишли волокуша билан ўтказилади, лекин зинҳор борона билан (хусусан енгил борона билан) ўтказилмайди... Ҳамма ҳолларда ҳам бир халқали бороналарни ишлатишдан сақланиш керак: бундай бороналар равон юрмаслиги орқасида тупроқни жуда кукунлаштириб юборади».

Вильямс ўт босган тупроқни ишлаш ҳақида гап юритилган вақтдагина (кузги экинларни эрта кўкламда бороналашда, кўп йиллик ўтпояларни ўримдан кейин бороналашда ва шу кабиларда) боронани тан олар эди.

Сиз, шу ерда ўтирган кишиларнинг кўпчилигингиз практиклар-сиз, сизлар тупроқни ишлаш нималигини биласиз. Сибирнинг ҳайдаб юбилиб, бороналанмаган, ёхуд ёғоч волокуша билан бороналанган ери нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Шундай агротехника билан қанақа ҳосил олиш мумкинлиги ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Бу назария оқибатда шунга олиб келдики, бизнинг машина-трактор станцияларимизда борона деган нарсадан асар қолмади, чунки борона деҳқончиликнинг душманига чиқариб қўйилган эди.

Чопиқ қилинадиган экинлардан иборат алмашлаб экишнинг юксак самаралилиги

Сибирда ва мамлакатнинг бошқа районларида қишлоқ хўжалигини бошқариш практикаси нимани кўрсатди? Бу практика Вильямснинг кўлгина назарий асосларини, бинобарин, деҳқончиликнинг ўт-дала системасини ҳам ўлоктириб ташлади. Сизнинг Сибирингиздаги деҳқончилик практикасидан, институтларингиз ва тажриба станцияларингизнинг илмий тадқиқотларидан ва аввало шу кенгашда сўзга чиққан ўрток Г. А. Наливайко директорлик қилаётган Олтой илмий-текшириш институтининг илмий-тадқиқотларидан бир неча мисол келтиришга ижозат беринг.

Ўт-далали алмашлаб экиш, Олтой институти маълумотлари ишонтирарли қилиб кўрсатганидек ҳар бир гектар ердан маҳсулот олиш жиҳатидан чопиқ қилинадиган экинлардан иборат алмашлаб экишга нисбатан анча орқада туради. Бу маълумотлар бўлтакларда эмас, балки катта экин майдонларида олинган. Институт бир неча йиллар мобайнида кўп йиллик ўтлар қатламининг ва маккажўхорининг буғдой ҳосилига таъсирини ўрганмоқда. Олинган натижалар диққатга сазовордир.

Уч йил мобайнида (1959-1961 йиллар) буғдой ҳосили қуйидагича бўлди:

— кўп йиллик ўтлар қатламида — гектаридан 20.8 центнердан;

— кўп йиллик ўтлар қатлами ағдариб ҳайдалганда — гектаридан 19.2 центнердан;

— маккажўхоридан кейин экилганда — 26 центнердан.

— маккажўхоридан кейин экилган буғдойдан сўнг экилганда гектаридан 21.2 центнердан. яъни кўп йиллик ўтлар қатламига ва бу қатламни ағдариб ҳайдаб экилган буғдой ҳосилидан юқори бўлди.

Фақат илмий муассасаларнинг далаларидагина эмас, балки колхоз, совхоз ишлаб чиқариши шароитида ҳам маккажўхори баҳори буғдойдан олдин экиладиган ўт-далали системанинг ҳосилдорлиги анча юқорилиги маълум бўлди.

Олтой ўлкасидаги «Чистюньский» совхозида 1961 йилда «лютесценс 758» нав буғдойдан қуйидагича ҳосил олинди:

— маккажўхоридан кейин экилганда — гектаридан 23 центнердан;

— кўп йиллик ўтлар қатламига экилганда гектаридан 17 центнердан.

Кўриниб турибдики, ҳаётнинг ўзи, практика ўт-далали алмашлаб экишга қаршидир. Практикада мўл ҳосил олиш имкониятларига нисбатан кам ҳосил берадиган «Ҳамма нарсани ўз ичига оладиган, ҳамма соҳани қамраб оладиган» бу назария қандай назария экан? Бундай назарияни ким ҳурмат қила олади? Бу назария эмас, балки ўйлаб чиқарилган схемадир ва бу схема уни ўйлаб чиқарган кишиларнинг қаноатлантира олади. Бу схема давлатни кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ёрдам бермас экан халқни қаноатлантирмайди. Бундай назариянинг баҳоси бир пул, у вақт синовидан ўтолмади, шунинг учун ҳам биз бу назариянинг тавсияларига амал қила олмаймиз.

Бу ерда «Чистюньский» совхозининг директори ўрток К. И. Колупаев ўтирибди. Олтой институтига борганимда мен у билан учрашган эдим. У ўт-далали алмашлаб экишнинг эски тарафдорларидан **(залда жонланиш)**, айтиш мумкинки, у ўт-далали алмашлаб экишнинг стажли тарафдоридир. Якин вақтгача совхозда кўп йиллик ўтлар ва қора шудгор бутун экин майдонининг 45 процентини ташкил қиларди.

Лекин, энди ўрток Колупаевнинг эътиқоди бошқача бўлиб қолди. **(Залда шодиёна жонланиш).** У ўт-далали алмашлаб экиш эътиқодига сиғинишни истамади. **(Кулги).**

К. И. Колупаев: Бизнинг ота-боболаримиз: энгирдан кейин юнғичқа эк, юнғичқадан кейин зиғир эк, ким зиғир ва юнғичқа эчса, ўша ақлли деб ўргатишарди.

Н. С. Хрушчев: Ақл ишлатиш нима дегани? Ақл меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот олиш демакдир. Сиз эса ўтлар қатламига буғдой экиб, маккажўхоридан сўнг буғдой экканларга нисбатан кам ҳосил олдингиз. Демак бу ерда ақл кам ишлатилган. **(Қарсаклар).**

К. И. Колупаев: Жуда кам ишлатилган.

Н. С. Хрушчев: Ҳозир совхоз чопиқ қилинадиган экинлардан иборат алмашлаб экишга ўтмоқда. 1961 йилда кўп йиллик ўт экилган майдонларнинг анча қисми ҳайдалиб, ўрнига маккажўхори экилди. Ўтларни маккажўхори бўлан алмаштириш ҳўжаликка қандай фойда берганлигини ўрток Колупаев айтиб ўтди.

Ўтларнинг бир гектаридан 24 центнер пичан ёки 1224 озуқа бирлиги олинар эди; маккажўхорининг бир гектаридан 450 центнер кўкпоя ёки 8550 озуқа бирлиги олинди. Буни гўштга айлантириб ҳисоблаганда ўт экилган ерларнинг бир гектари ҳисобига 80 килограмм гўшт етиштириш мумкин бўлса, маккажўхори экилган бир гектар ер ҳисобига 570 килограмм гўшт етиштирса бўлади.

Хўш, қайсинисида ақл ишлатилар экан? Арифметикани билган одам, ҳатто тўрт амални билганлар ҳам 570 рақами 80 дан анча кўп эканлигини демак маккажўхори ҳисобига 570 килограмм гўшт етиштирадиган киши ўт ҳисобига 80 килограмм гўшт етиштираётганлардан ақллироқ эканлигини билиб олади.

Ҳозир ҳамма, биринчи навбатда ўт-далали алмашлаб экиш тарафдорлари ана шуни яхши билиб олсинлар. Ўқиш-ўрганиш керак, лекин қайта ўқиш ва ўрганиш янада қийинроқ. Тўғримп, ўрток Колупаев?

К. И. Колупаев: Тўғри. **(Залда жонланиш, кулги).**

Н. С. Хрушчев: Ўрток Колупаев, гапингизга қўшиламан ва ишонаманки, ҳўжаликни тезда қайта қурасиз ва ердан энг яхши фойдаланиш, дон, гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш намунасини кўрсатасиз.

Мен Олтой институтининг тажрибалари ҳақида гапириб ўтдим. Бу институтнинг алмашлаб экишнинг турли схемаларини қўллашишнинг самараси тўғрисидаги маълумотларини келтиряпман. Бунда ўрток Наливайко айтган гапларни такрорлайман, сизлар эса сабр қилинглар, менинг аҳволимни тўғри тушуниб, сабр қилиб тунглар. Сизлар ўрток Наливайконинг сўзларини эшитдингиз. колхоз ва совхозларнинг бошқа раҳбарлари эса унинг сўзларини эшитганлари йўқ. Улар бу маълумотларни менинг нуткимдан билиб оладилар. Шунинг учун ҳам сизлар баъзи нарсаларни иккинчи марта эшитишларингизга тўғри келади. Такрор — билимнинг онаси дейишади-ку. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Олтой институти далаларида алмашлаб экилган майдонларнинг гектаридан қуйидаги миқдорда озуқа бирлиги олинди:

— етти далали ўт-дала алмашлаб экишда — 19,1 центнер;

— қора шудгор қилиб уч дала ли алмашлаб экишда — 19,6 центнер;

— қора шудгор қилиш йўли билан тўрт-далали, алмашлаб экилганда — 20,9 центнер;

— чопиқ қилинадиган экинлардан иборат олти далали алмашлаб экишда (16.6 процентн маккажўхори) — 34.8 центнер;

— чопиқ қилинадиган экинлардан иборат тўрт далали алмашлаб экишда (25 процентн маккажўхори) 36.3 центнер;

— чопиқ қилинадиган экинлардан иборат уч далали алмашлаб экишда (33 процентн маккажўхори) — 39.2 центнер озуқа бирлиги.

Шундай қилиб алмашлаб экишнинг чопиқ қилинадиган маккажўхори киритилган системаси алмашлаб экиладиган майдонларнинг ҳар гектарига ҳисобланганда ўт-дала ли алмашлаб экишга нисбатан деярли икки марта кўпроқ озуқа бирлиги берди.

Ўртоқлар, кенгашингизда сўзга чиққанлар алмашлаб экишга киритилган майдонларнинг ҳар гектарига озуқа бирлигининг қанчадан тўғри келиши ҳақидаги ҳисоб-китобларни келтирганлиги ёкимлидир. Бу — у ёки бу хўжаликнинг иш якунларига баҳо беришдаги аҳамиятлидир. Шундай ҳам бўладики, ўт-далали алмашлаб экиш тарафдори сўзга чиқиб, у гектаридан 36 центнердан дон ҳосили олаётганлигини айтади. Гапнинг нимада эканлигини тушуниб олмай туриб унга қарсак чалamиз. Бундай қарсак унда юз гектар ернинг фақат 19 гектарига буғдой экилган, 20-25 гектари шудгор қилиб қўйилганича туради. Қолаб гектар ерга эса ўт экиб қўйилган.

Биз бундан бўён ҳам ўт-далали алмашлаб экишни қаттик туриб тавсия қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги олдида турган улкан вазифаларни қандай бажариш мумкин? Биз мамлакатни дон, гўшт, сут билан мўл-кўл таъминлашимиз лозим. Нима қилиш керак? Бу ерда ўт-далали алмашлаб экиш системасига содиқлик ҳақидаги қасам билан иш битириб бўлмайди. Халқ орасида така бўлса ҳам сут берсин. Сут бўлса ширгурут ҳам бўлади деган мақол бор. **(Кулги, қарсаклар).**

Нон еяётган кишига бу нон кузги буғдой унидан пиширилганми ёки баҳори буғдой унидан, барибир. У нон қайси система бўйича етиштирилганлигини сўрамайди: ўт-далали алмашлаб экиш системасида етиштирилганми ёки чопиқ қилинадиган экинлардан иборат алмашлаб экиш системасида етиштирилганми, деб сўраб ўтирмайди, балки бу нонниг таъми, ранги қандайлигига ва бошқа сифатларига қарайди. Уни ана шу томонлари қизиқтиради. Шундай қилгани тўғри ҳам! Шунинг учун бизга деҳқончиликнинг шундай системаси керакки, бу система кўп ҳосилдор ва бошқа маҳсулотлар берсин.

Энди буғдойдан олдин экилган экинлар нима бериши ҳақида маълумотларни айтиб ўтмоқчиман. Олтой институтида уч йил мобайнида ўтказилган тажрибада буғдойдан олдин экилган турли экинларнинг ҳар гектаридан қуйидаги миқдорда озуқа бирлиги олинди:

— 414 центнердан ҳосил олинганда маккажўхоридан 58 центнер озуқа бирлиги;

— вика-сулидан 43.6 центнердан пичан олинганда — 21.8 центнер озуқа бирлиги;

— кўп йиллик ўтлардан 29.6 центнердан пичан олинганда — 14.8 центнер озуқа бирлиги.

Мана бу маълумотларга бир назар ташланг, ўртоқлар. Маккажўхорининг гектаридан 58 центнердав озуқа бирлиги олинади, худди шундай ерга кўп йиллик ўт экилса, гектаридан 14.8 центнер озуқа бирлиги олинади.

Биз ўт-далали алмашлаб экиш системасини нима учун яна танқид қилмоқдамиз? Гап шундаки, бу система кенг қўлланилли ва унинг окибатлари тўла тугатилган эмас. Кадрларимизнинг анча қисми айниқса қишлоқ хўжалик мутахассислари деҳқончиликнинг ўт-далали алмашлаб экиш системаси асосида ўқитилган ва улар учун чоғимда. Ўқитувчилар ва профессорлар ўргатган нарсадан воз кечиш, қайта ўқиш, ўрганиш қийин бўлмоқда. Бўларнинг ҳаммаси фақат сизнинг сибирнигизда эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа районларида ҳам колхоз, совхоз ишлаб чиқаришини бошқариш практикасига таъсир қилмоқда. Қишлоқ хўжалик мингтрлиги ўқув юртларини ҳаётнинг ўзи кўрсатган йўлга кескин равишда бошлаб юборишлари керак. Ўқув программаларини қайта кўриб чиқмоқ керак. Биз ҳозир ўт-далали алмашлаб экиш системасини танқид қилмоқдамиз ҳамма дарсликлар эса бу системанинг хато қоидаларига асосланиб тузилган. Шунинг учун ҳам ўқув юртларини битириб чиққан мутахассислар колхоз ва совхозларга келадилар ҳамда ўз ишларини уларга нимани ўргатган бўлсалар, ўшандан бошлайдилар. Колхозчилар уларга олим деб қарайдилар, Колхозчилар мутахассислар нотўғри тавсия бераётганларидаги тушунсалар, улар бу ўзи қанақа олим деб ҳайрон бўлмоқдалар. Бундай жойларда фанга ҳурмат билан қараш туйғулари уйғонмайди.

Келинглар, ўқув программасидан ўт-далали алмашлаб экиш системасини чиқариб ташлайлик. Эҳтимол баъзи жойларда ўз ишларини қайта қуришни истамайдиган ўқитувчиларни алмаштиришга тўғри келади. Бунинг кўрқинчли жойи йўқ. Ёш кадрларни дадиллик билан ишга кўтариш йўлидан борамиз. Лекин мен кариялар ҳам ўз ишларини ўзгартирадилар, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).** Шу билан бирга колхоз ва совхозларда ишнинг қандай аҳволда эканлигини кўриб чиқиш ва колхоз, совхозларга ишни қайта қуришда ёрдам бериш лозим.

Жуда характерли бир мисол келтираман. Ёзда Краснодар ўлкасидаги «Кубань» совхозида бўлдим. У ерда ўрток Максимов директорлик қиларди. У ўз ишини яхши биларди. маълумотли киши, агроном. У билан бирга далаларни айланиб юрар эканман. биласизларми, шундай пайтда кишининг баҳри очилиб кетади. ҳамма жойда намуналі тартиб ўрнатилган. Яхши ҳосил учун ўрток Максимовга ва бошқа ходимларга миннатдорчилик билдирдим. Кейин бу ҳўжалик тўғрисида маълумот беришни сўрадим ва украин латифасидаги бир кишининг аҳволига тушиб қолдим: латифада бир киши товар сотиб олади ва гумашта уни қакорат қилади. Гумашта уни кўрка деб атайди. Бундан ҳафа бўлган киши уйига қайтади. Хўкиз қўшилган аравада икки кун юради. Кейин гумашта уни қакорат килгани эсига тушиб колиб, яна икки кун йўл юриб орқасига қайтади. Келиб гумаштага: мен кўрка эмас, сенинг ўзинг кўрка деб айтади. **(Кулги, қарсаклар).**

Шунга ўхшаш мен ҳам хўжалик тўғрисида маълумот олганимдан кейин «орқага бур» демоқчи бўлдим. Лекин афсуски, мен машинада эмас, вагонда кетаётган эдим бўлмаса ўрток Максимовнинг олдига қайтиб борган бўлар эдим. **(Залда кулги).** Съезддан кейин унга гапимни айтдим — у съезд делегати эди.

Совхозда ҳосил ҳақиқатан ҳам яхши. 1961 йилда совхоз ҳар гектаридан 36 центнердан буғдой, 30 центнердан арпа, 19 центнердан сули, 47 центнердан маккажўхори дони 31 центнердан беда (пичан), 31 центнердан судан ўти (пичан) олди.

Ана шундай ҳосил билан экинларнинг ҳар гектаридан қуйидаги миқдорда озуқа бирлиги олинган: маккажўхоридан — 6270, кузги буғдойдан — 4260, арпадан — 3620, сулидан—1940, кўп йиллик ўтдан — 1630 озуқа бирлиги.

Кўриб турибсизки, самаралиги жиҳатидан маккажўхори ва кузги буғдой биринчиликни эгаллаган. Демак экин майдони жиҳатидан ҳам булар биринчиликни эгаллаши лозим. Аммо «Кубань» совхозида бошқа экинларга нисбатан маккажўхори ва буғдой майдонининг салмоғини кўриб чиқайлик.

1961 йилда совхозда экин майдонларининг структураси қуйидагича бўлди: ҳайдаладиган ерларнинг ҳаммаси — 13 минг гектар, дон экинлари — 7406 гектар ёки 56 процент; шу жумладан кузги буғдой 2587 гектар ёки 19 процент; дон учун экилган маккажўхори — 2100 гектар ёки 16 процент; сўнгакбоп экинлар — 4629 гектар ёки — 35 процент. шу жумладан ўтлар — 3865 гектар ёки 29 процент.

Кубандаги қора тупроқли ерларнинг деярли учдан бир қисмини ўтлар билан банд қилиб қўйиб фақат 19 процентига буғдой ва 16 процентига маккажўхори экишни тўғри деб ўйладими?

1960 йилда «Кубань» совхозида ҳар 100 гектар ерга 291 центнер сут, 65 центнер гўшт (сўйилган вазнда) етиштирилгандиги тасодифий эмас. Совхоз ҳар юз гектар ҳисобига 10 та сигирга эга. Жуда бой ерларга эга бўлатуриб. «Кубань» совхози ўтган йили давлатдан 38 минг центнер арадаш ем сотиб олди!

Энди бундай аҳволга чидаб туриб бўладими? Йўқ. мумкин эмас. Ер — халқ бойлигидир ва ундан ҳар ким ўзи хоҳлаганича фойдаланишига йўл қўйиш мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Бу йил кубанликлар олдига бориш ва улар билан очиқ-ойдин гаплашиш имкониятига эга эмаслигимга афсусланаман. Кубань ерлари бизнинг гавҳаримиздир. бу ерларда бир йилда икки мартә ҳосил олиш мумкин ва кўпгина ҳўжаликлар шундай қилмоқдалар

Менимча ўрток Максимов ўз хатосига тушуниб олди ва ҳозир нишни қайта кўрмоқда. Ҳа, масала худди шундай қўйилмоқда: ёки нишни қайта кўриб ол ёки жойни бўшатиб кўй. Бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки ердан хўжасизларча фойдаланишга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди. Мен бу билан пуфиса қилаётганим йўқ, ўртоқлар. Ахли манфаатлари шуни талаб қилмоқда.

Афсуски, хатто колхоз ва совхозларга намуна кўрсатиши, улар учун тавсиялар ишлаб чиқиши лозим бўлган илмий-муассасаларда ҳам экин майдонларининг структураси ҳамиша ҳам намунали деб бўлмайди.

1961 йилда Красноярск қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтининг хўжалигида ҳайдаладиган ерларнинг 34 процентига. Сибирь қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтида (Омск шаҳри) 26 процентига, Сибирь чорвачилик илмий-текшириш институтида 25 процентига буғдой экилган.

Бу институтларда одатда бутун экин майдонида буғдойга нисбатан ўт экиладиган майдонлар салмоғи катта эканлигини айтиб ўтмай бўлмайди: Сибирь қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтида ўт экилган ерлар 39 процентни. Красноярск институтида 31 процентни. Сибирь чорвачилик институтида 26 процентни ташкил қилади. Бу — деҳқончилик ўт алмашлаб экиш системасининг амалда қўлланилаётганлигидир.

Сибирь қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтининг директори ўрток И. В. Зезин ушбу кенгашда сўзга чиқиб, ўз хўжалигини бошқаларга машъал бўлмоқда деб айтди. Ўрток Зезин, мен сизнинг нутқингизни тўлдириб ўтмоқчиман. Ҳамма сизнинг хўжалигингиз каби «машъал» бўлса ва ерларнинг 39 процентига ўт экиб қўйса. бундай тақдирда биз каёққа борамиз? Бундай «машъаллар» бизга кайси йўлни кўрсатишмоқда? Улар кояли йўлларни кўрсатишмоқда. Ўртоқлар, кояли йўлларни! **(Қарсаклар).**

Мен ўт экишни бутунлай тўхтатиб қўйиш керак деб гапираётганим йўқ. Хўжаликда қандайдир бир миқдорда беда ва йўничқа бўлиши керак. Лекин ақлга сигадиган миқдорда бўлсин. Беда ва йўнғичқадан пичан уни тайёрлаш яхшироқдир. Бу мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Қуйидаги фактни эсламай ўта олмайман. Бир неча йил муқаддам бу ерда. Новосибирскда бўлганимда ўз имкониятларидан яхши фойдаланаётган хўжаликни бориб кўрмоқчи бўлдим. Менга Барабин чўлидаги Гандичевский совхозини бориб кўришни тавсия қилишди. Совхозга келдик. Совхоз далаларини айланганимизда кўк ем сифатида молларга бериш учун ўриб қўйилган жовдарни кўрдик: бўйи бир ярим метр келади. бошоғи ҳам катта. яхши жовдар. Кези келганда айтиб ўтай, бу Сибирнинг айрим районларида кузги жовдар яхши ҳосил беришини кўрсатади.

Келишимиз биланоқ, директорнинг кабинетига кирдик. Совхоз ишчилари менга хат топширишган эди. Унда ишчилар: ўрток Хрушчев, эътиборингизни шунга жалб қилмоқчимизки, бизда жовдар яхши етилади. энди сут катик бўлаётганда директор бу жовдарни ўт-диртириб юборди, деб ёзишган эди.

Обком секретари директорни энг яхши кадрлардан деб ҳисоблади. Мен унинг фамилиясини унутиб қўйибман, шу ерда ўтирган эмасмикин? Эҳтимол қандайдир бир институтда кишиларни хўжаликни барбод қилишга ўқитаётгандир. **(Залда жонланиш).**

Ундан сўраб қолдим: ўрток директор, хўжалигингизда қайси экинни энг фойдали. энг серда-ромад экин деб ҳисоблайсиз? Кўнок — деб дарҳол жавоб берди у. **(Залда жонланиш).**

— Нима учун кўнок фойдали экин?

— ўрток Хрушчев, кўнок— ўтдир, давлат мендан ўт олмайди **(Кулги, залда жонланиш)**. Агар донли экинларни эксам давлатга дон сотишга тўғри келади.

Ўртоқлар, бу гапларни коммунист айтди. У дон етиштиришдан кўрқиб жовдарни ҳам ўриб юборган, жовдар эса дон беради. яхши дон беради. Лекин у вақтда донинг бир қисмини давлатга сотишга тўғри келарди.

Ана шундай коммунистлар ҳам учраб туради. Партияда бундай коммунистлар қанча кам бўлса, партия учун шунча яхши. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Сибирь —баҳори буғдой етиштириладиган жуда катта райондир. Ҳолбуки, экинлар структурасида буғдойга жуда кам жой берилган. Агар Олтой ўлкасида ҳайдаладиган ерларнинг 65 процентига буғдой экилган бўлса, бошқа областларда бундан ҳам оз: Новосибирск областида 47 процент. Омск областида 46 процент, Тюменда 42 процент. Красноярск ўлкасида 40 процент Иркутск областида 35 процент, Кемерово областида 32 процент, Томск областида 26 процент ерга буғдой экилган.

Масалан, Кемерово областидаги ерларга нима экилган деган савол туғилади. Экин майдонининг 32 процентига буғдой, 13 процентига сули, 10 процентига арпа, 10 процентига маккажўхори, 18 процентига ўт экилган. Шундай қилиб, қанча ерга буғдой экилган бўлса, шунча майдон ўт ва сули билан банд қилиб қўйилган.

Сибирдаги ўлкалар ва областлар буғдой экилган майдонлар салмоғи камлиги сабабли ҳар гектар ер ҳисобидан кам дон сотмоқдалар. Ўртоқлар, биз хўжаликни сермаҳсул қилиб бошқариш ўлчови сифатида ҳозир ҳар гектар экин майдонидан сотиладиган маҳсулотни эмас, балки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан сотиладиган маҳсулотни ўлчов қилиб олишимиз керак.

Овозлар: Тўғри. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев: Шундай қилмасак айрим раҳбар, масалан, 10 минг гектар ҳайдаладиган ер бўлатуриб 100 гектарига буғдой экади, гектаридан 20 центнердан ҳосил олади, биз эса унга қарсак чалишимиз керак бўлади. У доим оқилар қаторида бўлади. **(Кулги, қарсаклар).** Ҳақиқатда эса уни жазолаш керак. Ўртоқлар, бундай нормал бўлмаган аҳволни тугатиш керак, шундай кўрсаткичларни белгилаш лозимки, унда раҳбарнинг хўжалиги бошқаришдаги маҳорати, билими ва ақли ойнадаги каби акс этиб турсин.

Мана, қаранглар, нималар бўлмоқда. 1961 йилда ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан: Олтой ўлкасида 3.7 центнер, Иркутск областида 3.3 центнер, Красноярск ўлкасида 2.5 центнер, Тюмень областида 2.5 центнер, Омск областида 2.4 центнер, Новосибирск областида 2.2 центнер, Кемерово областида 1.7 центнер, Томск областида 1.5 центнер дон сотилди. Бу, биласизларми, обком секретари ва область ижроия комитетининг раиси учун кулча нон қилиб ейишга етади, холос. Ўшанда ҳам бутун йил охиригача етмайди. **(Кулги, қарсаклар).**

Бу биз учун тўғри келмайди, ўртоқлар. Маҳсулот етиштириш планларини ва олган маржбуриятларимизни бажаришга жиддийроқ муносабатда бўлишимиз лозим.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор Программасини белгилаб берган партия XXII съезди бўлиб ўтди. Ҳалқ съезд қарорларига ишонади, Программамизга ишонади. Саноат сохасидаги топшириқларимиз бажарилади, бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Қишлоқ хўжалигига келганда эса, чет эллдаги айрим арбоблар белгиланган планларнинг бажарилишига шубҳаланмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган коммунистлар ҳозир ўз ишларини қайта қуришлари ва қишлоқ хўжалигимизнинг имкониятларини кўрсатишлари керак.

Ўртоқлар! Коммунизм — халқ учун ҳамма маҳсулотларнинг мўлкўлчилигидир. Мамлакатимизда маҳсулотларнинг коммунистик мўлкўлчигини вужудга келтириш планни 20 йилга мўлжалланган. Нигирма йил — бизнинг давримизда ҳам узоқ, ҳам яқин муддатдир. Ҳозир фан шунчалик ривожланмоқдаки, у янги кашфиётлар билан бизни бойитиши, олга қараб қилаётган ҳаракатимизни, айниқса саноат сохасидаги ҳаракатимизни тезлатиши мумкин. Қишлоқ хўжалигимиз ҳам катта резервларга эгадир.

Ҳозир фақат чақириқлар билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Айрим нотиқ трибунага чиқадида: «Ўртоқлар, XXII съезд бу ана ундай съезд, съезд мана бундай қарор қилди... қандай қарорлигини ўзларингиз биласизлар.., бу тарихий съезд, унинг қарорлари тарихий...» деб вайсай бошлайди. Кишилар бундай нотиқнинг сўзларини тинглаб турадилар ва: тарихийлик билан бошимизни қотирма **(кулги)**, яхшиси тарихийлиги нимадан иборатлигини айтиб бер, дейишади.

XXII съезд қарорлар қабул қилди, биз, барча коммунистлар, партиямиз бошчилигида бораётган ҳамма кишилар бу қарорларда ёзиб қўйилган нарсаларни амалга оширишимиз лозим. Нима ёзиб қуйилган бўлса—бу пландир. Планни эса меҳнат билан ҳақиқатга айлантириш керак! **(Қарсаклар).**

Ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда новаторлар тажрибасини ўрганайлик ва жорий қилайлик

Мен бу ерда кенгаш қатнашчиларининг сўзларини тингладим. Уларнинг ҳар бири ўз ишининг моҳир устасидир. Сизлар деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам меҳнатнинг жуда кўп ажойиб намуналарини кўрсатмоқдасиз. Энди буларнинг ҳаммасини ўрганиш қолди, холос! Бу йил маккажўхорини парваришлашда янгилик туғилганлиги, кишилар сўтаси билан маккажўхори олиш учун қураш-аётганлиги мени айниқса мамнун қилди. Маккажўхори экиш сизнинг фикр-зикрингизни банд қилиб олибди. Энди иккинчи босқич тўғрисидаги масала — қандай қилиб улоқ мўлроқ, сўтаси билан сифати яхшироқ ҳосил етиштириш тўғрисидаги масала турибди. Мен ўртоқ А. Г. Лисичниковнинг нутқини эўр эътибор билан тингладим. Ахир, ўртоқлар, Чита — иқлими совуқ ўлка, ўрток Лисичников бўлса бу йил гектаридан 1225 центнердан маккажўхори олди, бу қаҳрамонликнинг ўзи-ку! Бу — бизнинг совет кишимизнинг ақлидроки эўр, маданияти юксак эканлигини кўрсатади. Энди сиз, ўрток Лисичников, кўпроқ гапингиз қиз

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Охири. Боши 1 ва 2-бетларда).

Энди, ўртоқ Т. С. Мальцев, сизнинг хўжалигингиз тўғрисида бир оз гапирмоқчиман. Хўжалигингиз — яхши хўжалик. Менинг шахсан сизга ва сизнинг ютуқларингизга бўлган муносабатимни биласиз. Менинг танлифимга мувофиқ сизнинг хўжалигингизда Бутуниттифоқ семинари ўтказилган эди. Сиз, бир оддий деҳқон катта ютуқларга эришдингиз, тажрибаларингиз қимматли. Лекин айбни яширишнинг нима ҳожати бор. Ойда ҳам дог бор деганларидек, сизнинг ҳам камчиликларингиз бор. Мен худди шу ҳақда сўзламоқчиман.

Мен партия съезадида бир қанча қурғоқчилик районларда афтидач унча-мунча қора шудгорга эга бўлишга тўғри келади деган эдим. ҳозир ҳам шу фикримдан қайтмайман. Бу, қора шудгорни инкор қилаётган ўртоқ Наливайко билан мен баҳслашяпман деган маънони билдирмайди. Йўқ, мен у билан баҳслашмайман. Агар мендан қандай деҳқончилик системасининг тарафдорисиз деб сўрашса, мен аниқ қилиб, Олтой инсғитути системасининг тарафдориман дейман.

Ўртоқ Наливайко қизиқарли сўзлади, экинларни чопиқ қилиш системаси қора шудгор қилиш системасига нисбатан кўпроқ иқтисодий фойда келтиришини кўрсатди. Сизларнинг ҳаммангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз деб ўйлайман. Лекин ҳозир кимки, ўткинчи звено сифатида соф қора шудгорга эга бўлишни хоҳласа, қаршилик кўрсатаймиз. Лекин, ўртоқлар, мен хўжалини соф қора шудгорсиз яхши, самарали бошқарган кишиларни мақташ ҳуқуқини ўзимда қолдираман. Хуллас, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча прогрессив усулда ташкил этган кишиларга умид боғлайман.

Ҳозирги вақтда кўпгина колхоз ва совхозларнинг 15-20 процент соф қора шудгори бор. Агар ана шу шудгорларга маккажўхори ва бошқа озуқабоп қимматли экинлар экилса, қанчадан-қанча ем-хашак ва гўшт олиш мумкин бўлур эди. Конкрет тарзда ўртоқ Мальцев хўжалигини олиб кўрайлик. Колхозда жами 8300 гектар ҳайдаладиган ер бор. 1500 гектари ёки 18 процента соф қора шудгор.

Шудгор қилиб қўйилган ана шу ерларга маккажўхори экиладиган бўлса қанча гўшт олиш мумкин бўлур эди? Гарчи, сиз ўртоқ Мальцев, айрим участкаларда гектаридан 700 центнергача ҳосил олган бўлсангиз ҳам. гектаридан 300 центнердан маккажўхори ҳосили олинди деб, фараз қилайлик. Гектаридан 300 центнердан ҳосил олинганида бир гектар маккажўхоризор — бу 6 минг озуқа бирлиги ёки гектаридан 60 центнер озуқа бирлиги демакдир. Гектаридан 60 центнердан озуқа бирлиги олиш — сўйилган ҳолда 4 центнер гўшт етиштириш имконини берадиган озуқага эга бўлиш демакдир.

Агар 1500 гектар шудгорга маккажўхори экилса, 6 минг центнер мол гўшти ёки колхозда ҳайдаладиган майдонларнинг юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган ҳолда 72 центнердан гўшт етиштириш имконини берадиган озуқа олиш мумкин.

Фан билан практика Сибирда чопиқ қилинадиган экинлар экиш йўли билан алмашлаб экиш анча самарали эканлигини исботлади. Лекин, келинг, ҳозир кенг ишлаб чиқариш шароитида буни текшириб кўрайлик:

Мен Целиноградда ўртоқ Наливайконинг сўзини эшитдим. У бегона ўтларга қарши курашнинг самарали усулларини далил исбот билан тавсия қилади. Унинг таклифининг моҳияти — ерни барвақт шудгорлаб, кўклам келганда эса қоракўза ўсиб чиқадиган пайтда ерни экиш олдидан культивация қилишдан иборатдир.

Шимолий Қозоғистон тажриба станциясининг агрономи ўртоқ Юмағулов қоракўза босган далаларда улар вико-сулини аралаштириб экканликларини айтди. Баҳорда қоракўзани ўстириб туриб, кейин бир неча марта культивация қилинади ва ўсиб чиққан қоракўза йўқ қилинади. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигида вико-сули аралаштириб экилади ва гектаридан 300 центнердан, ҳатто ундан ҳам зиёдроқ кўкат олинади. Вико-сули аралашмаси бугдойдан олдин экиладиган яхши экиндир. 1961 йилда соф қора шудгорга экилган баҳори бугдойнинг гектаридан 22,1 центнердан, қора шудгор қилинган жойда эса (вико-сули аралашмасидан кейин) 21,8 центнердан ҳосил олинди.

Агар шу мантиққа бундан кейин амал қилинадиган бўлса, у ҳолда афтидан, маккажўхоридан чопиқ қилинадиган экин сифатида қоракўзага қарши курашда фойдаланиш мумкин бўлади. Гап шундаки, баҳорда то маккажўхори экиш бошлангунча одатда бирмунча вақт бўлади ва ана шу вақтдан тупроқни экиш олдидан ишлаш даврида, кейинроқ эса қатор ораларини культивация қилиш даврида бегона ўтларни йўқотиш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

Кенгаш вақтида айрим ўртоқлар ўз тажрибаларига таяниб туриб, колхоз ва совхозларга мана бундай усулни ҳам синаб кўришни тавсия қилдилар. Баҳорда ўсиб чиққан қоракўза тугатилгандан кейин нўхат экилади. Нўхатнинг ривожланиш даври қисқа бўлади, ва дони ҳам тез етилади. Шундай қилиб, қоракўза ҳам тугатилади, дон ҳам олинади.

Бегона ўтларга қарши кураш, ўртоқлар, ҳозир катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам мен колхозларнинг ва совхозларнинг раҳбарларига, мутахассисларга бегона ўтларга қарши курашнинг илмий тадқиқот институтлари, илғор колхоз ва совхозлар практикаси ишлаб чиққан усулларини ўрганишни тавсия қилган бўлур эдим. Гап умуман бегона ўтларга қарши кураш тўғрисида эмас, балки қоракўза, бўзтикан, саломалайкум ва шунга ўхшаган бегона ўтларга қарши кураш тўғрисида кетяпти. Бегона ўтларга қарши курашнинг конкрет хўжаликлардаги, мана масалан, Олтой қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтидаги тажрибаларини ўрганиш муҳимдир. Чунончи, бу ерда бўзтикан мана бу тарзда йўқотилади. Албатта ер барвақт чуқур шудгор қилиб қўйилади. Кўкламда ўт босган ерларга нўхат ёки вика экилади. Бу экинлар барвақт, ер етилиши биланоқ экилади. Нўхат ёки вика июнь ойининг ўртасидаёқ тузук кўкпоя беради. Ана шу экинлар пичанга йиғиштириб олингандан кейин тупроқ ишланади, шу тариқа бўзтикан тугатилади. Саломалайкумга ўхшаш бегона ўтлар экилган экининг уруғи то униб чиққунча ерни бороналаш йўли билан тугатилади.

Бу ерда Красноярск қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтининг директори ўртоқ Белозеров сўзга чиқиб, Сибирда кузги жавдар ўстиришдаги тажрибасини ўртоқлашди. Бироқ, у жавдарни қора шудгорга экишни таклиф қиляпти. Вико-сули аралашмасини баҳорда экиб, уни пичанга йиғиштириб олгандан кейин тупроқни кузги жавдар экишга тайёрлаб қўйиш яхши бўлмасмикин. Бу соф қора шудгор қилиб ўтирмасданоқ коракўзани тупроқни вика экишга тайёрлаш вақтидаёқ йўқотиш имконини беради.

Сибирнинг турли районларида кузги жавдар экишни кенгроқ синаб кўриш керак. Равшанки, мен сизларга қатъий тавсия бераётганим йўқ, лекин синаб кўриш керак бўлади. Бу ерда Новосибирск областидаги Тугвосский совхозидан чўчқабоқар ўртоқ Н. И. Белаш сўзга чиқди, У ҳам озуқа учун кузги жавдар экаётганлигини айтди. Демак, жавдар қишлаб чиқади, модамики қишлаб чиқар экан, демак пишиши ҳам мумкин. Шу ерда кўпдан яшаб келаётган кишилар илгари Сибирда кузги жавдар кўп экилар эди деб тасдиқлашяпти. Ўртоқлар, қаерга жавдар экиш мумкинлигини ўзингиз қараб чиқиб, ўша жойга жавдар экинг. Жавдар экиш хўжалик учун фойдалидир. Биз экиш даврида ва ҳосилни йиғиштириб олиш даврида дала ишларининг жуда қисталанг келиб қолишидан анча қутулган бўлур эдик.

Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар селекция ва уруғчилик тўғрисида гапирдилар. Мен уларнинг фикрини қувватлайман. Селекционерлар мақтовга ва табриклашга арзигудек меҳнат қилдилар, улар қишлоқ хўжалик экинларининг ажойиб сортларини яратдилар. Лекин, бизда уруғчилик системаси ҳали ҳам эскича олиб борилмоқда. Биз кўпинча сифатсиз уруғларни экамиз. Колхоз ва совхозларда уруғчиликни қатъият билан яхшилаш керак.

Курган областидан механизатор ўртоқ А. Н. Висипков кенгашда сўзга чиқиб, донни машинани юқори тезликда юргизиб, йиғиштириб олиш тўғрисидаги қизиқарли тажрибасини айтиб берди. Мутахассисларимиз бу тажрибани эътибор билан ўрганмоқлари керак. Ҳозирча мен ҳосилни йиғиштириб олишнинг жадал усулига тааллуқли бирон фикр айтишга қийналаман. Лекин шу нарса равшанки, ўрим суръатларини тезлаштириш зарур, бироқ қандай йўл билан: ўрим-йиғим машиналарининг тезлигини ошириш йўли биланми, ёки жатказалагичлар қамраб олиш кенглигини кучайтириш йўли биланми — буни ўйлаб кўрмоқ, муҳокама қилмоқ даркор. Биз Қўриқ ўлкада ўн метргача қамраб оладиган кенгликдаги янги жатказа кўрдик. Бу жатка донни оддий усул билан ўриб олиш пайтида меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширади, донни янчишни тезлаштиради. Такрор айтаманки, у усулни ҳам, бу усулни ҳам ўрганмоқ керак.

Кенг қамраб оладиган жатказалар Қозоғистоннинг қўриқ ерларида ўзини оқлаяпти. Афтидан, бу жатказалар Сибирда ҳам ўзини кўрсатиши керак. Целиноградлари нутқда ана шу янги жатказаларнинг самарасини кўрсатувчи маълумотлар келтиришган эди. Бу жатказаларни кўплаб ишлаб чиқариш билан ҳозирданоқ шуғулланиш керак. Бу бизга ниҳоятда фойдалидир.

Сизларнинг ҳузурингизга келатуриб вагон деразасидан далада ҳали йиғиштириб олинмаган бугдойпояни кўрдим. Ундан фойдаланиш керак, бугдойпояни қишда йиғиштириб олишга ҳаракат қилиш керак, агар уни қишда йиғиштириб олмасангиз, кўкламда ер ҳайдаш жуда кечга тортиб кетади. Далаларни бугдойпоядан эртароқ тозалаб қўйиш муҳим.

Сўзга чиққан ўртоқлар ғарамлагичларни кўпроқ тайёрлаш зарурлигини тўғри айтишди, мен бундай асбобларни ғарамловчи эмас, бугдойпояни майдалаб сомон қиладиган асбоблар деб айтган бўлур эдим. Агар комбайннинг майдалайдиган асбоби ҳам бўлса, ўриб кетилган бугдойни янчиш пайтида комбайн бугдойпояни сомон қилиб прицепга солиб кетган бўлур эди. Бунақа машина Украинада ясалган ва яхши ишлаяпти. Дон бункерга тушади, сомон эса прицепга тушади. Сиз уни дарров ташиб ғарам қилиб қўясиз. Дала дарҳол тозаланиб, шудгорлашга тайёр туради. (Қарсаклар).

Эътиборингизни қуйидаги нарсага жалб қилмоқчиман. Областларингиз бўйича 1961 йилда давлатга гўшт сотиш бултургига нисбатан камайиб кетди. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Бу аҳвол аҳолини гўшт билан мунтазам таъминлаб туриш имконини бермайди. 1962 йилда имкон борича кўпроқ гўшт етиштириш тўғрисида ҳозирдан ғамхўрлик қилиш керак. Шу билан бирга бу йил чорвачилик маҳсулотлари харид қилишни кучайтириш чораларини кўрмоқ керак.

Ўртоқлар, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисобланда 75 центнердан ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар юз гектарига 16 центнердан гўшт олиш учун ҳар хил экинларни қанча жойга экиш кераклиги тўғрисидаги ҳисобларни такрорлаб ўтирмайман. Бу ҳисоблар Целиноградда кенгашда мисол қилиб келтирилган эди ва сизлар уни ўқигансиз деб ишонаман. Ҳар бир ходим ана шу ҳисобларни пухта билиши, гўшт етиштириш жиҳатидан партия съезди мўлжаллаган марраларга имкон борича тезроқ чиқиб олиш учун қўлдан келган барча чораларни кўриши керак. Марказий Комитет маҳаллий ташкилотларнинг фаолиятини мунтазам кузатиб боради, биз қилган тавсияларнинг бажарилишини астойдил талаб қилади.

Бу ерда илғор кишилар жуда яхши сўзлашди. Уларнинг сўзларини тинглаш, энг яхши маккажўхорикорларнинг қандай ажойиб натижаларга эришганликларини эшитиш ёқимли бўлди. Мен гектаридан 1225 центнердан маккажўхори кўкпояси олган ўртоқ Лисичников тўғрисида гапириб ўтдим. Новосибирсклик маккажўхорикор Ю. Н. Токаревнинг звеноси бу йил гектаридан 950 центнердан, Тува республикасидан П. А. Пикало звеноси 730 центнердан маккажўхори ҳосили олди. Маккажўхори Сибирь далаларидан ўзига муносиб, мустаҳкам ўрин олмоқда.

Мен сизларга шундай маслаҳат беришни истар эдим: маккажўхоридан албатта қуруқ дон олишни олдингизга мақсад қилиб қўйманг. Сизнинг шароитингизда бу вазифани ҳал қилиш жуда қийин. Ахир, сиз маккажўхорининг донини ун қилмайсиз-ку, маккажўхорининг дони сизга молни боқиш учун керак. Шунинг учун маккажўхорининг сўтаси думбул бўлса ҳам бу жуда соз бўлади. Маккажўхорининг сўтасини алоҳида йиғиштириб оладиган машина бўлса яхши бўлар эди, бундай сўталар билан чўчқаларни боқиш мумкин. Агар бундай озуқа сут берадиган молларга берилса, у ҳолда сўтасини ҳам. кўкпоясини ҳам бирга қўшиб силос қилиш керак бўлади.

Мен Олтой қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтида бўлганимда маккажўхорининг дон учун эрта пишар «воронежская-76», «воронежская-80» сортларини ва «буковинский-2» гибридини кўрдим. Бу ердаги кенгашда кўп кишилар маккажўхорининг пишган сўтасини намойиш қилиб кўрсатдилар. Менда: агар Олтойда ҳам, эҳтимол, Сибирнинг бошқа баъзи жанубий районларида ҳам маккажўхори уруғлиги етиштириладиган хўжаликлар вужудга келтирсак нима бўларкин? деган фикр туғилди. Уруғликни саралайдиган заводлар, сушилкалар қуриб, маккажўхори уруғлиги етиштириш ишини мустаҳкам саноат негизига қўйилса. Бу ҳар бир колхозда ва совхозда уруғлик етиштиришга қараганда анча яхшироқ бўлади.

Менга Курган областидаги маккабларнинг ўқувчилари етиштирган маккажўхорининг пишган сўталарини беришди. Бу — жуда яхши. Маккажўхори — чорвачиликни юксалтириш учун қурашда қудратли қурол. Агар бизнинг қўлимизда маккажўхори бўлмаганида чорвачиликни қандай қилиб юксалтирардик? Сули билан юксалтирармидик? Йўқ, ҳисоблаб кўринг. Тўқ тутадиган озуқа бўлиш жиҳатидан маккажўхорига тенг келадиган сули етиштириш учун уни қанча гектар ерга экишга тўғри келарди. Маккажўхори экмай туриб, бизга Америка билан мусобақалашиш қийин. Ҳозир эса маккажўхориден қуролимиз борлиги учун биз шундай мусобақага дадил киришмоқдамиз. Совет Иттифоқининг ҳамма ерида маккажўхорини

ПАРТИЯ МАОРИФИ ШОХОБЧАЛАРИДАГИ СИЁСИЙ МАКТАБЛАР, ТЎГАРАКЛАР ВА СЕМИНАРЛАР РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

КПСС XXII съезди материалларини ўрганиш 1961-62 ўқув йилида партия маорифи шохобчалари ишининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Партия маорифи системасининг ҳамма тўгаракларида ва семинарларида қуйидаги энг муҳим темалар ўрганилиши керак:

1. Коммунизм қурувчилар съезди бўлган КПСС XXII съездининг тарихий аҳамияти.

2. Капитализмдан коммунизмга ўтиш — инсоният тараққиётининг йўлидир.

3. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш — партия ва совет халқининг энг асосий иқтисодий вазифаси.

4. Ҳар қандай капитализм мамлакатига нисбатан совет халқи турмуш даражасининг энг юксак бўлишини таъминлаш—жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифа.

5. Коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш — коммунизм қурилишининг муҳим вазифаси.

6. Янги кишини камол топтириш — коммунистик қурилишнинг энг муҳим амалий вазифаси.

7. Уруш ва тинчлик масаласи — замонамизнинг асосий масаласи.

8. Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда КПСС.

Мазкур темаларни ўрганиш учун бошланғич иқтисодий тўгараклар ва мактабларда 12 машғулот, тўгараклар ва сиёсий мактабларда 18 машғулот, семинарларда 8 машғулот ажратилади.

Қуйида КПСС XXII съезди материалларини ўрганиш учун неча соат ажратиш кераклиги тавсия этилади:

Тўгарак ва семинар номи	Т Е М А Л А Р I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	машғулотлар нинг жами
1. Бошланғич иқтисодий мактаблар, тўгараклар	1	2	3	1	2	1	1	1	12
2. КПСС тарихини, марксизм-ленинизм асосларини, ҳозирги сиёсатни ўрганиш юзасидан сиёсий мактаблар, тўгараклар	2	2	3	1	3	2	2	3	18
3. Сиёсий иқтисод ва конкрет экономикани ўрганиш тўгараклари	1	2	6	1	4	1	1	2	18
4. Марксча-ленинча философияни ўрганиш тўгараклари	2	3	2	1	4	3	1	2	18
5. КПСС тарихи ва марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш семинарлари	1	1	—	1	—	1	1	2	8
6. Сиёсий иқтисод ва конкрет экономикани ўрганиш семинарлари	—	1	—	2	1	2	—	1	8
7. Марксча-ленинча философияни, этика масалалари, коммунистик тарбия, атеизм, эстетикани ўрганиш семинарлари	1	1	—	1	—	2	1	1	8
8. Ҳозирги сиёсат ва СССР халқаро аҳволини, халқ демократияси мамлакатларидаги социалистик қурилишни, жаҳон озодлик ҳаракатини ўрганиш семинарлари	1	2	—	1	—	1	—	2	1	8

Марксизм-ленинизм кечки университетларида КПСС XXII съезди материалларини ўрганиш учун, марксизм-ленинизм асослари факультетларида 40 соат, КПСС тарихи факультетида 60 соат, қолган ҳамма факультетларда 30 соатдан ажратилади.

КОНВЕЙЕР УСУЛИДА

УЧҚЎРҒОН, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ленин номли йирик пахтакор колхоз аъзолари 2520 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил олиб, планни муддатидан илгари бажарган эдилар. Улар давлатга қўшимча равишда 500 тонна пахта сотиш учун йиғим-теримни қизғин давом эттириб, дала ишларини конвейер усулида олиб бормоқдалар. Ремонтдан чиққан 15 та ҳайдов трактордан 10 таси ишга туширилди. Механизаторлар пахтадан бошқа экинларнинг ўрнини ҳайдаб бўлдилар ва ҳосили ҳамда ғўзапояси йиғиштириб олинган майдонларни шудгор қилмоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ПАХТАОБОД, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Район чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. 5.822 центнер бўрдоқи ва сўким гўшти топширилди. Ленин номли ва Еқубов номли колхозлар улуғ етти йилликнинг тўртинчи йили ҳисобига гўшт сотмоқдалар.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 30 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш: Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
ХОРАЗМ	0,24	111,82	47,73	68,99
САМАРҚАНД	0,06	103,20	48,15	140,77
Тошкент	0,15	95,69	53,13	116,87
Қорақалпоғистон АССР	0,22	94,14	25,19	67,99
Андижон	0,15	92,70	34,75	129,03
Сурхондарё	0,21	86,13	52,18	111,96
Фарғона	0,23	80,14	11,08	97,37
Бухоро	0,12	79,84	21,38	71,28

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг истакларини қўллаб, дам олиш кунини 1961 йил 3 декабрь якшанба кунидан 4 декабрь душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

ҚАҲРАМОНОНА ҲАЁТ

Атоқли большевик ёзувчи, совет адабиётининг бошловчиларидан бири Дмитрий Андреевич Фурманов туғилган кунга етмиш йил тўлишини Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан бирга кенг нишонламоқдалар.

Юбилей тантаналарини ўтказиш учун, СССР Ёзувчилар союзининг ташаббуси билан адибнинг бир группа яқин қариндошлари, сафдошлари ва дўстлари мамлакат бўйлаб сафарга чиқдилар. Улар орасида ёзувчининг акаси Аркадий Андреевич Фурманов ва қизи Анна Дмитриевна Фурмановалар, Чапаев дивизияси артиллериясининг собиқ бошлиғи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник Н. М. Хлебников, Чапаев дивизияси Пугачев полкининг собиқ комиссари П. С. Евлампиев, СССР Ёзувчилар союзи ҳузуридаги Фурмановнинг адабий мероси билан шуғулланувчи комиссия раиси А. А. Исбахлар бор.

Улар яқинда Ўзбекистон пойтахтига келдилар. Меҳмонлар Д. А. Фурмановнинг номи билан боғланган жойларни катта ҳаяжон билан кўздан кечирдилар. Уларнинг В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети студентлари ва ўқитувчилари билан учрашуви маромли ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ва Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси шу муҳим кунга бағишлаб, 29 ноябрда Тошкент Округ Офицерлар уйида тантанали кеча уюштирдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин қисқача кириш нутқи сўзлаб кечани очади ва шу ерда ҳозир бўлганлар номидан Д. А. Фурмановнинг қариндошлари ва дўстларини, унинг ҳамма жанговар сафдошларини самимий табриклади.

Филология фанлари доктори Г. П. Владимиров Д. А. Фурмановнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида сўзлаб берди.

Д. А. Фурмановнинг қариндошлари ва яқин дўстлари, шунингдек Чапаев дивизиясининг собиқ штаб бошлиғи, ҳозир Тошкентда яшовчи Ф. А. Владимировский Д. А. Фурманов ҳақида хотираларини сўзлаб бердилар.

Нутқлашда сўзга чиққан ўзбек ёзувчиси Н. Сафаров, «Ўзбексельмаш» заводининг коммунистик меҳнат бригадаси зардбори Н. Кузнецов, В. И. Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юртининг курсанти В. Черняков Д. А. Фурмановнинг ёркин хотираси совет кишиларининг қалбида абадий яшаб, уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиражаги ҳақида гапирдилар.

Кечанинг охирида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ФАНФАНИГА СОВҒАСИ

РИМ, 30 ноябрь. (ТАСС). СССР нинг Италиядаги элчиси С. П. Козирев кеча Италия министрлар советининг раиси А. Фанфани ҳузурида бўлди ва унга Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг совғаси — А. Фанфани бошлиқ Италия ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисидаги ҳужжатли фильмни топширди.

А. Фанфани элчидан бу совға учун Совет ҳукуматига ва шахсан Н. С. Хрушчевга самимий ташаккур топширишни илтимос қилди.

ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИ ЮРИЙ ГАГАРИННИ ҚУТИБ ОЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 29 ноябрь. ТАСС мухбирлари **В. Матяш** ва **Б. Васильев** хабар берадилар: Ҳиндистон ҳукуматининг ва Ҳиндистон-Совет маданий алоқаларни ривожлантириш жамиятининг таклифига биноан, жаҳоннинг биринчи космонавт учувчиси Ю. А. Гагарин рафиқаси билан бирга бугун Деҳлига келди.

Палам аэродромида Ҳиндистон илмий тадқиқотлар ва маданият министри профессор Хумаюн Кабир ва бош министр Жавоҳарлал Нерунинг қизи Индира Ганди Ҳиндистон ҳукумати номидан машҳур космонавтни табриклади-лар. Майор Ю. А. Гагаринни Ҳиндистон қуролли кучлари номидан Ҳиндистон авиация маршали, ҳарбий ҳаво кучлари штабининг бошлиғи Энджинир кутиб олди.

Кумушсимон «ИЛ—18» гиганти аэродромнинг бетон сўқмоғига қўниши биланоқ майдон устида табрик сўзлари янгради. Самолет аэровокзал биноси олдига келиб тўхтайди. Кутиб олувчиларнинг гулдурос қарсаклари остида майор Ю. А. Гагарин самолетдан чиқиб келади.

Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов Юрий Гагаринни ва унинг рафиқасини Ҳиндистон ҳукуматининг расмий вакиллари билан таништиради. Яна қарсаклар бошланади.

Очилиб турган гул шодалари тақдим Юрий Гагарин самолет олдига келиб тўхтаган очиқ машинага тушади. Автомашинага гул барглари ёмғирдек ёғдирилади. Ҳамма жойдан «Гагарин зиндабод!» («Яшасин Гагарин!») деган табрик хитоблари эшитилади. Юрий Гагарин табрикларга самимий жавоб қайтариб, ҳиндларнинг қўлини дўстона қисади. Машина кутиб олувчилар орасидан зўрға ёриб ўтади ва аэродромдан Деҳлига йўл олади.

АМЕРИКА ЖОСУСЛАРИ УСТИДАН СУД

КИЕВ, 29 ноябрь. (ТАСС) Бу ерда Америка жосуслари — Германия Федератив Республикаси гражданлари эр-хотини Адольф ва Хермина Вернерлар иши юзасидан ўтказилган суд бугун тамом бўлди.

Киев ҳарбий округининг ҳарбий трибунали Адольф Вернерни 15 йил муддат билан озодликдан маҳрум қилишга, дастлабки беш йилни тюрьмада, жазо муддатининг қолганини эса қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга ҳукм қилди. Судланувчи Хермина Вернер етти йил муддат билан қамоқ жазосига, дастлабки бир йилни тюрьмада, шундан кейинги олти йилни эса қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга ҳукм қилинди. Уларнинг иккаласи ҳам Украина ССР Жиноят кодексининг 57-моддасида кўзда тутилган жиноятни қилишда айбли деб топилди.

«Қизил Ўзбекистон»нинг бугунги сонига Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси тўртинчи чиқарилиши бўйича 1961 йил 26-27 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлган ютуқ тиражининг расмий жадвали илова қилинади.

Партия XXII съезди материаллари пропаганда қилинмоқда

Ўзбекистон пойтахти лекторлари-нинг шаҳар партия комитети ҳамда Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият бўлими томонидан чақирилган икки кунлик семинарида машғулотлар тугади.

Биринчи куни семинар қатнашчиларига «КПСС XXII съезди — коммунизм қурувчилар съезди», «Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг яқин 20 йилга мўлжалланган перспективалари тўғрисида» лекциялар ўқилди ҳамда халқаро аҳвол тўғрисида доклад қилинди.

Иккинчи куни машғулотлар секцияларда ўтди. Семинар қатнашчилари «Коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш — асосий иқтисодий вазифа», «Пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимот ва ишчилар синфи диктатураси давлатининг умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши», «Коммунистик маданият — инсониятнинг маънавий ривожланишидаги янги, юксак босқич» «Социализм системаси қудратининг ўсиши, унинг жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланиши», «Ҳозирги даврда миллий озодлик ҳаракати» деган темаларда лекциялар тингладилар. (ЎзТАГ).

Жўшқин Зарафшон сувлари Бухоро областининг Қоракўл районига етиб келгунча озайиб қолади. Қоракўлликлар кўпни ёриб ўтиб Амударё сувини келтиришни кўпдан буён орзу қилардилар. Уларнинг бу орзуси ҳозир амалга ошмоқда: Аму-Қоракўл канали қурилмоқда. Келгуси йилдаёқ Қоракўл районидаги пахтазорларга Амударё суви келади. СУРАТДА: Қизилқумда канал қурилиши. Кучли бульдозерлар юзлаб кишиларнинг ишини бажармоқда.

М. Пенсон фотоси.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Каттақўрғон шаҳар саноат корхоналари коллективлари шу йилнинг ўтган ойларида пландан ташқари 1 миллион 500 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ер комбинатининг КПСС XXII съезди делегати ўртоқ Бурхон Файзиев раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи смена топшириқларини муттасил 1,5-2 ҳисса ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Пахта тозалаш заводининг келажак разведкачилари деган шарафли номга сазовор бўлган Ислом Қиличев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритастирлар.

Р. САТТОРОВ.

* * *

Кимё Қодирова раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ҳозиргача пландан ташқари 900 метрдан ортиқ гилам тўқиб чиқардилар. Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳужум» бадиий ҳунармандчилик фабрикасининг О. Шарипова, Ш. Ҳўжаева, М. Норбобоева сингари ишчилари ҳам кунлик нормани 180 процент ва ундан ошириб адо этмоқдалар.

Социалистик мусобақа авж олиб бораётган туфайли фабрикада ойлик топшириқлар сурункасига муддатидан илгари бажарилиб келяпти. Бу улғор корхона яқинда Бутуниттифоқ Халқ ҳўжалиги ютуқлари выставкасининг учинчи даражали дипломи билан мукофотланди.

Х. ЖЎРАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» нинг штатсиз мухбири.

* * *

Йиллик планни муддатидан 3 ой илгари адо этган Чуст район колхозлараро қурилиш ташкилотининг бинокорлари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Районда қисқа вақт ичида 320 ўринли мактаб, уч хонали 10 та уй-жой, шунингдек молхона, паррандахона ва бошқа бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурувчилар йиллик планни СССР Конституцияси куни — 5 декабрга-ча 150 процент қилиб бажариш учун курашяптилар.

Х. ШЕРМАТОВ.

КИНО

ЗАМОН ЛОЧИНЛАРИ ЭКРАНДА

Бадиий адабиётда яратилган энг яхши образларни экранга олиб чиқишга интилиш совет киносанъатининг анъанаси-га айланиб қолди. «Чапаев», «Очилган юрак», «Тинч Дон», «Сарсонлик-саргардонликда», «Инсон тақдири», «Чин инсон қиссаси», «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» ва бошқа асарлардаги кўпгина ажойиб образлар миллион-миллион томошабинларнинг севимли қаҳрамонлари бўлиб қолди.

Абдулла Қаҳҳорнинг повести асосида яратилган «Синчалак» кинокомедияси ўзбек киносанъатининг адабиётдаги қаҳрамонларни экранлаштириш соҳасида эришган жиддий ютуғидир. Чунки бу кинофильмда повестдаги барча яхши фазилатлар янада ривожлантирилган: асардаги образларнинг характерлари ва фаолияти киносанъати имкониятлари асосида янада бўрттириб кўрсатилган. Бу ютуқлар сценарий автори Абдулла Қаҳҳор, режиссер-постановкачи Латиф Файзиев ва бутун бир талантли коллектив катта ижодий меҳнатининг самарасидир. Бу фильм ҳозирги кунниинг ўзбек совет адабиётида яратилган қаҳрамонлари — замон лочинларининг экранларга дадил парвоз билан кириб келаётганликларини ҳам очиқ кўрсатади. Тақризимизда «Лочин» ўзи Қаландаров кўзига бошда «Синчалак» бўлиб кўринган Саидага нисбатан қўлланилади. Лекин аслида бу фильмда ҳар бири ўзига хос парвоз билан учувчи лочинлар анчагина бор. Асарда колхоз партия ташкилотининг секретари Саида сингари район партия комитетининг секретари Носиров (Аббос Бакиров), колхоз раиси Қаландаров (Шукур Бурхонов), колхоз механизатори Исмоилжон (З. Муҳаммаджонов)лар ҳам замонамизнинг ҳақиқий лочинлари сифатида гавдаланадилар.

«Синчалак» кинокомедиясида ҳозирги кунниинг бир қанча муҳим масалалари дадиллик билан кўтариб чиқилган ва усталик билан ҳал қилинган.

Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш ва механизациялаштириш соҳасидаги катта ишлари, шахсга сиғинишнинг оқибатларини тугатиш йўлидаги кураши ва шу процесса қишлоқ хўжалигидаги айрим раҳбар кадрларнинг қайта тарбияланиши ҳамда янги кадрларнинг етишиб чиқиши масалаларининг кўтарилиши айниқса диққатга сазовордир. Асар марказида турган бу масалалар Носиров, Қаландаров, Саида сингари тўлақонли образлар воситасида катта маҳорат билан ечилади.

Маълумки, Улуғ Ватан уруши-дан сўнгги даврда ўзбек совет адабиётида ёзилган жуда кўп асарларда аввалги хизматлари билан гердайиб, кеккайиб кетган колхоз раҳбарларини қайта тарбиялаш учун курашни тасвирлашга алоҳида ўрин берилди ва бу тема адабиётимизда қайта-қайта ишланди. «Синчалак» кинокомедияси шунинг учун ҳам томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди, бу асарда юқоридаги тема бутунлай янги ва оригинал йўл билан ҳал қилинди.

Бу оригиналлик, аввало, шунда кўринадики, шу мавзуга бағишлаб илгари ёзилган асарларнинг кўпчилигида манманликка берилган колхоз раҳбари аксарият ҳолларда бирёқлама, кўпроқ салбий томондан тасвирланар эди. «Синчалак»даги Арслонбек Қаландаровнинг эса ўжарлик, манманлик, қайсарлик, коллективни, ёш кадрларни, хусусан, хотин-қизларни менсимаслик одатлари билан бирга, унинг ишбилармонлиги, ташкилотчилиги, жонкуярлиги, соф кўнгиллилиги, уни қойил қилган киши олдида мардлик билан тан бериш хислатлари ҳам ишонарли қилиб кўрсатилган.

Иккинчидан, бу асарда қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашув шундай тасвирланадики, бу тўқнашув процессида ҳар иккала томон ҳам (Қаландаров ҳам, Саида ҳам) тобора ўсиб, улғаяди; камчиликлардан қутила бориш жараёнида ҳаётдаги ҳақиқий йўлини ва ўрнини топиб олади; пировардида, ҳар иккала томон ҳам янги кучга тўлган ва халқ иши учун белни қайтадан янада мустаҳкамрок боғлаган ҳолга келади.

Кинокомедия авторлари Қаландаровни осонликча бўйин эгмайдиган, қайсар киши қилиб тасвирлашнинг воситаларини топа билганларидек. Саидани ҳам ғалабага осонликча эришгириш йўлидан бормаганлар; балки унинг олдига янги-янги кутилмаган қийинчиликларни қўйдаланг қўя бориб, Саида характерининг шаклланиш ва ўсиш жараёнини ҳам яққол кўрсатганлар. Экранда Саиданинг хилма-хил психологик ҳолатлари, қийинчиликлар олдида баъзан довдираб қолишлари, баъзан иккиланишлари ва ҳатто баъзан умидсизлик кайфиятларига тушиш ҳоллари ҳам очиқ кўрсатилади. Райком таъсири билан колхозга келган Саидани Қаландаров гоят совуқ кутиб олади, ёмон уйга жойлаштиради. Ўзининг ҳақоратомиз кинояларига яраша даражада жавоб қайтаргани учун Саидани «Йўқол!» деб идора солади. Шу каби йўллар билан Саидани ўзига бўйсундирмоқчи ёки колхоздан кетишга мажбур қилмоқчи бўлади. Қаландаровнинг бундай ҳаракатлари Саидани қийин аҳволга солиб қўяди. У ўртаниб, руҳий азоб чекади; яшириш кўз ёшлари тўкишга мажбур бўлади. Лекин иккита зўр куч унга ўз қаддини тиклаб олиш ва олға қараб дадил ҳаракат қилиш имкониятини беради. Булар, биринчидан, Саидадаги кучли коммунистик ирода ва жамоат иши учун фидокорлик бўлса; иккинчидан, тетиклик бахш этувчи ва қийинчиликларни енгиш йўлини кўрсатувчи ғамхўр Коммунистик партиянинг уни доимо қўллаб-қувватлашидир.

«Синчалак» да Қаландаровга зид қилиб қўйилган образлар—Носиров ҳам, Саида ҳам Қаландаровни йўқотиш учун эмас, балки уни сақлаб қолиш учун, Қаландаровдаги ташкилотчилик ва ишбилармонликни керакли, фойдали томонга йўналтириш учун, аниқроғи, ундаги барча яхши хислатларнинг ундаги барча ёмон одатлар устидан ғалабаси учун кураш олиб борадилар.

Комедияда бу масаланинг шундай талқин қилиниши орқали партиянинг кадрларни тарбиялашдаги ва улар билан ишлаш соҳасидаги ленинча нормаларни қандай қайта тиклаганлиги ёркин акс эттирилган.

СССР халқ артисти Шукур Бурхонов Қаландаровдаги салбий ва ижобий хусусиятларни айнан ва тўла-тўкис акс эттира олган. Ш. Бурхонов Қаландаровнинг образини экранда яратган деб айтиш кифоя қилмайди. Чунки экрандаги Ш. Бурхонов Қаландаровнинг айнан ўзгинасидир.

Муваффақият билан танланган ёш ижрочи С. Ғаниева Саидадаги «синчалаклик»ни ҳам, «лочинлик»ни ҳам ўзида яққол гавдалантирган. Қаландаровнинг салобати ва дағдағаси қаршисида дафъатан қараганда эсанкираб қоладигандек бўлиб кўринган Саида—С. Ғаниева воқеалар давомида ўсиб боради. Ўзини писанд қилмаган зўр кучни енгиб, ҳақиқий лочинга айланади. С. Ғаниева — Саиданинг кескин ҳаракатларини ва ўз сўзини ўтказиш учун дадиллик ҳамда тиришқоқлик билан иш кўришини ҳам, Қаландаровнинг қайсарликларини туфайли руҳан эзилиб, ўртаниш-ларини ҳам, Козимбек билан бўлган муносабатларидаги самимийлик, вазминлик ва латофатни ҳам яхши бера олган. Шунинг учун ҳам С. Ғаниеванинг ҳар бир ҳаракати шу образ характерига мос ва табиий бўлиб чиққан.

Аббос Бакиров яратган Носиров образи ўзининг илиқ муомалалари, тадбирлилиги, ғамхўрлиги, кам гапириб, катта ишларни амалга оширши билан омманинг эътиборини қозонган райком секретари образи бўлиб чиққан.

Фильмда асосий қаҳрамонлар билан бир қаторда Тожихон (Сора Эшонтўраева), Эшон (Ю. Орипов), Умида (О. Аҳмедова), Исмоилжон (З. Муҳаммаджонов), Зулфиқоров (В. Фаёзов), Қодир (Ш. Пўлатов), Ҳури (О. Мавлонова), Меҳри (Т. Назарова) каби иккинчи даражали ва эпизодик образлар ҳам муваффақиятли чиққан. Буларнинг ҳар биридан воқеалар мантиқига алоқадор даражада фойдаланилган. Бунда актёрларнинг хизмати ва қобилияти билан бирга, режиссёр-постановкачи Л. Файзиевнинг профессионал маҳорати ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Режиссёр билан оператор Қаландаровнинг ҳамда Саиданинг хаёл ва тушларини беришда ҳам, колхоз қишлоғи манзараларининг реалистик картинасини чизишда ҳам катта усталик кўрсатган. Масалан, воқеалар давомида Саиданинг таъсирида дадиллашган колхоз секретари Умиданинг Қаландаров кўзи ўнгида Саида қиёфасида гавдаланиши, Саиданинг дастлабки шиғин хаёлларида Қаландаровнинг итоатқор ва таъзимкор киши бўлиб кўриниши каби кадрлар томошабинларга катта завқ бағишлайди; асарнинг ғоявий мазмунини, комик руҳини кучайтиради.

Композитор И. Акбаров томонидан фильмга ёзилган музика асар воқеалари руҳига мос тушган ва қаҳрамонларнинг психологик ҳолатларини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки кинокомедияда баъзи бир образларни ҳар томонлама очиб беришга етарли эътибор берилмаган. Масалан, Саиданинг севги билан боғлиқ бўлган кечинмаларини кўрсатишга жуда хасислик билан ёндашилган. Ҳолбуки, бу кечинмаларни бўрттириброқ кўрсатиш орқали Саида қалбини янада тўлароқ очиб беришга, Козимбек образининг ҳам янада жонлироқ ва тўлароқ бўлиб чиқишига эришиш мумкин эди.

Иккинчидан, кинокомедиядаги Тожихон образининг нагрузкаси ҳам, функцияси ҳам етарли эмас. Авторлар уни ишши колхоз раиси сифатида тақдим этган бўлсалар-да, бироқ у томошабин кўзи олдида кўпроқ колхоз механизаторига ўхшаб кетади. Кинокомедиядаги колхоз ҳавасқорлари томонидан қўйилган спектаклни тасвирловчи кадрлар унчалик ишонарли ва таъсирли бўлиб чиқмаган.

Хулоса қилиб айтганда, «Синчалак» кинокомедияси ўзбек адабиёти ва санъати ходимларининг шонли партиямизнинг тарихий XXII съездига атаб тайёрлаган муносиб совғасидир ва ўзбек киносанъати тараққиёти тарихида муҳим воқеадир.

Х. ДОНИЁРОВ,
С. МИРЗАЕВ,
Н. ШУКУРОВ,
филология фанлари кандидатлари.

ФУТБОЛ

СССР терма командасининг яна бир ғалабаси

Латин Америкаси мамлакатларида бўлган СССР терма футбол командаси яна бир халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказди. Бу гал улар Монтевидео шаҳрида Уругвайнинг терма командаси билан учрашдилар ва 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозондилар. Ҳамма тўплар дарвозага ўйиннинг биринчи ярмида киритилди. СССР командасининг ғалабасини таъминлаган ўйинчилар Қусаров ва Понедельникларбўлди.

Маълумки, СССР терма командаси Аргентина командасини 2:1, Чили командасини 1:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратган эди. Бу, СССР терма командасининг Латин Америкаси мамлакатлари командалари билан бўлган учрашувларида эришган учинчи ғалабасидир.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри
Р 01172 Нашр. В. 279.